Гемостазиологик функциялар бузилишларининг тромботик намоён бўлиши, қоида тариқасида, клиникадан олдинги кичик белгиларга эга ва гемореологик бузилишларнинг табиати ҳомиладорликнинг ривожланиши фонида ривожланадиган ва уларга таъсир қиладиган гемостаз тизимидаги адаптив ўзгаришларнинг хусусиятлари туфайли ҳомиладорлик асоратлари ҳар доим ҳам бир хил бўлмаслиги мумкин [12; 233-б.].

Ҳомиладорликда прокоагуляцион омиллар концентрациясининг оқсиллар миқдорининг ошиши, антикоагулянтлари ва фибринолиз концентрациясининг пасайиши туфайли гиперкоагуляцион ҳолат сифатида қаралади.

Ҳомиладор аёлларда Аутоиммун гипертиреоз (АИГ) касалликлари мавжуд бўлганда гормонал ва метаболик касалликларнинг ривожланиши турли органлар ва системаларнинг ҳолатига, шу жумладан гемостаз тизимининг ҳолатига бевосита таъсир қилади [14; 47-52-б.].

Кўпинча ҳомиладор аёлларда АИГ фонида гипергомосистеинемия (ГГТ) кузатилади.

Гомосистеин токсиклигининг биокимёвий механизмларини ўрганган бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, коагуляцион каскаднинг таркибий қисмларига гомосистеиннинг зарарли таъсири ушбу таъсирнинг концентрацияси ва давомийлигига мутаносиб равишда ошади [37; 188-199-б.].

ГГТ нинг қон томир эндотелий ва тромбозга салбий таъсири ҳомиладорликнинг бир қатор асоратларини ривожланишига олиб келади. Ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида йўлдошнинг кўчишига олиб келиши мумкин, ҳомила қон айланишининг бузилиши ва ҳомила ривожланишининг тўхташига олиб келади; кейинчалик сурункали плацента етишмовчилигининг сабаби бўлиши мумкин, бу сурункали гипоксия ва ҳомилага озуқа моддаларнинг етишмаслигига, кам вазнли болаларнинг туғилишига, нормал жойлашган плацентанинг эрта ажралишига олиб келади.

ГГТ фонида АИГ билан касалланган ҳомиладор аёллар профилактикаси ва даволашнинг патогенетик асосланган усуллари ишлаб чиқиш АИГ асоратларини камайтиради.

Одамларда гипертиреоз коагуляцион-фибринолитик мувозанатни ўзгартиради, бу тромбоэмболизм (ТЭ) хавфини оширадиган гиперкоагуляцион ҳолатни яратади. Одамларда эркин тироксин микдорининг юқори концентрацияси билан веноз тромбоз хавфи ортади [45; 47-56-б.]. Гипертиреоз одамларда гиперкоагуляцион ҳолатни келтириб чиқарадиган механизмлар гемостазнинг барча босқичларини ўз ичига олади.

Бирламчи гемостаз тромбоцитларнинг субэндотелийга ёпишишини таъминлайдиган фактор Виллебранд омили (vWF) концентрациясининг ошиши билан кучаяди. Гипертиреоз, шунингдек, VIII омил, IX омил ва фибриноген каби коагуляцион оқсилларнинг кўпайиши билан иккиламчи гемостатик функцияни кучайтиради [65; 262-б.].

Бундан ташқари, плазминоген активатор ингибитори концентрациясининг ошиши натижасида фибринолиз бузилади ва ниҳоят, гипертиреоз эндотелиал дисфункцияга олиб келади, бу одамларда гиперкоагуляцион ҳолатнинг юзага келишига ҳисса қўшади.

Қалқонсимон без патологияларида қон реологик хусусиятлари

Кенг қамровли тадқиқотларга қарамай, ҳозиргача қон томир асоратларининг асоси сифатида қоннинг реологик хусусиятларининг роли масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ўз вақтида ва томирлар орқали қон оқимини нормада бўлиши ҳаётий муҳим жараёнларнинг бузилишининг олдини олади [15; 42-45-б.]. Экспериментал гипертироидизмда қуйидаги жараёнлар билан бирга келади яъни қон оқимининг силжиш тезлигининг пасайиши ва динамик ёпишқоқликнинг ошиши ҳамда қоннинг реологик параметрларидаги ўзгаришлар қон оқимиға қўлланиладиган босимнинг паст қийматлари зоналарида, айниқса қон томир ўзанининг алмашинув бўғини даражасида кўпроқ намоён бўлади [8; 36-б.].

Гипертиреозда тромбоцитлар сони ошиши қалқонсимон без гормонларининг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида қон яратилиш тизимининг фаоллашуви билан боғлиқ ҳолда кузатилиши мумкин.

Гипертиреозда тиреоид гормонлар суяк илиги фаолиятини қўзғатади, натижада мегакариоцитлар фаоллашиб, тромбоцитлар ҳосил бўлиши ортади. Бу ҳолат организмда моддалар алмашинуви жадаллашиши, симпатик-адренал тизим фаоллигининг ошиши ва қон айланишининг тезлашиши билан боғлиқ.

Шунингдек, гипертиреозда қонда қуюқлашишга мойиллик юзага келиши мумкин.

Тромбоцитлар сонининг ошиши қон ивиш тизимининг фаоллашишига олиб келиб, микроциркуляцияда ўзгаришлар келтириб чиқаради. Бу ҳолат айниқса касаллик оғир кечганда ёки даволанмаган ҳолларда яққол намоён бўлади.

Қалқонсимон без патологияларида қоннинг реологик хусусиятлари организмда гормонал мувозанатнинг бузилиши натижасида сезиларли ўзгаришларга учрайди.

Қон реологияси деганда унинг оқувчанлиги, қуюқлиги, ивишга мойиллиги ва шаклий элементларнинг ўзаро таъсири тушунилади.

Қалқонсимон без касалликлари, айниқса гипертиреоз ва гипотиреоз ҳолатларида бу кўрсаткичлар турлича ўзгаради.

Гипертиреозда тиреоид гормонлар таъсири остида қон айланиши тезлашади, юрак чиқиши ортиб, қон оқувчанлиги нисбатан ошади.

Шу билан бирга, эритроцитлар фаоллиги, тромбоцитлар сони ва агрегацияси кучайиши мумкин.

Бу ҳолат қоннинг ивишга мойиллигини ошириб, микроциркуляцияда функционал ўзгаришларга олиб келади.

Қон плазмасининг қуюқлиги камайиши мумкин, аммо шаклий элементлар фаоллиги ортиши реологик мувозанатни мураккаблаштиради.

Гипотиреозда эса аксинча, моддалар алмашинуви секинлашиши натижасида қон айланиши сусаяди.

Қон қуюқлиги ортади, плазмада оқсиллар ва липидлар миқдори кўпайиши ҳисобига қоннинг оқувчанлиги пасаяди.

Эритроцитларнинг агрегацияси кучайиб, микроциркуляция бузилиши мумкин. Шунингдек, ивиш тизими фаоллигининг пасайиши ёки дисбаланси кузатилади.

Умуман олганда, қалқонсимон без патологияларида қон реологик хусусиятларининг ўзгариши тўқималарни кислород ва озуқа моддалари билан таъминлашга таъсир кўрсатади.

Бу ўзгаришлар касалликнинг оғирлик даражаси ва давомийлигига боғлиқ бўлиб, эндокрин патологияларни даволаш жараёнида қон реологиясини ҳам ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Бироқ таъкидлаш жоизки, тромбоцитлар сонининг ошиши гипертиреозда доимий ва барча беморларда учрайдиган белги эмас.

Айрим ҳолатларда уларнинг сони меъёрда қолиши ёки ҳатто камайиши ҳам мумкин.

Асосий касаллик тўғри даволанганда гормонал мувозанат тикланади ва тромбоцитлар сони одатда физиологик меъёрга қайтади. Гипертиреозда тромбоцитлар сонининг ошиши қон яратилиш жараёнларининг кучайиши ва

қон ивиш тизими фаоллашуви билан боғлиқ бўлган функционал ўзгариш ҳисобланади.

Гипертиреоз билан оғриган беморларда қоннинг реологик хусусиятларининг ўзгариши сўнгги йилларда адабиётда қалқонсимон без патологияси бўлган беморларда гемостаз тизимидаги бузилиш масалалари фаол муҳокама қилинмоқда.

Гипертиреоз фонида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан ўлим даражаси ошди.

Қалқонсимон без касалликларида қон томир ўлимининг механизмлари аниқ аниқланмаган.

Эҳтимол, бу ҳодисанинг сабаби гемокоагуляция бузилишидир. Қон ивиши ва қалқонсимон без касалликлари ўртасидаги боғлиқлик ўтган асрнинг бошларида маълум бўлган ҳамда гипертироидизм билан оғриган беморда мия веноз тромбози ҳолатини тасвирлаб ва бу касалликларни биринчи марта боғлиқлиги ҳақида фикрлар мавжуд ҳисобланади.

Биз адабиётларни таҳлил қилганимизда қалқонсимон без фаолияти бузилган беморларда гипотиреоз ривожланиши таъсирида қон ивиши тизимидаги ўзгаришлар мунозарали бўлиб, гипо ёки гиперкоагуляцион ҳолат билан бирга келиши сабабли гемостазни ўрганиш зарурлигини аниқланди [33; 71-73-б.].

Гипотиреозда гемостазнинг бузилиши қуйидаги сабаблар билан боғлиқ деган тахминлар мавжуд яъни қалқонсимон бези гормонлар етишмовчилиги [21; 13-16-б.].

Қалқонсимон без ва гемостаз тизимининг орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида ҳайвонларда ўтказилган кўп сонли кузатувларларда келтирилган [5; 160-б.].

Қалқонсимон безнинг гипер ёки гипофункцияси бўлган беморларда қон ивиш тизимининг ва реологиясида турли хил ўзгаришлар мавжуд. Қалқонсимон безнинг гипофункцияси бўлган беморларда микроциркуляция

Ўзанида қон ивиш тизимининг бузилиши намоён бўлади булар: бурундан қон кетиш, тиш милкларидан қон кетишлар кузатилиши мумкин.

Тиреотоксикоз туфайли вафот этганлар орасида тромбоэмболизм 18% ҳолларда қайд этилган.

Ўткир ишемик мия инфаркти тиреотоксик атриал фибрилациянинг асосий белгиси ҳисобланиб ҳамда бу тиреотоксикознинг энг кенг тарқалган юрак асоратлари, беморларнинг 10-15 фоизда умумий популяциянинг 4 фоизига нисбатан кузатилади [19; 378-385-б.].

Ушбу маълумотлар катта клиник аҳамиятга эга, чунки тиреотоксикоз туфайли ривожланган атриал фибрилацияли беморларда тромбоэмболизмнинг тарқалиши 15% га етиши мумкин.

Қоннинг гемостаз ва реологияси мувозанатини сақлаш учун кўплаб омиллар, шу жумладан бирламчи ва иккиламчи гемостазга бевосита таъсир қилувчи гормонлар жавобгардир. Тироид гормонларининг коагуляция-фибринолиз тизимига таъсири асосан гормонлар ва уларнинг рецепторларининг ўзаро таъсири билан боғлиқ.

Триёдтиронин (T_3) нинг ҳужайра метаболизми, кўпайиши ва дифференциациясида иштирок этиши маълум. Ушбу таъсирлар тироид гормонларининг ядро рецепторлари воситасида амалга оширилади. T_3 нинг протромбин, ангиотензиноген, фибриноген каби плазма оқсилларини ишлаб чиқаришга рағбатлантирувчи таъсири аниқланди ҳамда плазминогенга нисбатан тескари таъсир қилиши аниқланган.

T_3 нинг паст даражада бўлиши кўпинча юрак-қон томир патологияси билан боғлиқ. Ушбу гормон қон томирларининг қаршилигига таъсир қилади, эндотелиал функцияни яхшилайдди.

Тадқиқотларда T_3 эндотелиал ҳужайра бутунлигини Виллебранд фактор (vWF), фибронектин, эндотелин -1 ишлаб чиқаришни кўпайтириши кўрсатилган. Экспериментал ҳайвонларга T_4 нинг киритилиши тромбоцитларнинг АДФ томонидан стимуляция қилинган агрегация фаоллигининг дозага боғлиқ равишда ўсиши билан бирга келиши кузатилган.

Қалқонсимон без гормонларининг коагуляцияга таъсири ҳақида кўпроқ маълумот соғлом одамларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган. Шундай қилиб, кўнгиллиларга тироид гормонларини 14 кун давомида буюришда VIII омилнинг плазмадаги даражаси аниқ ошганлиги, бу тиреотоксикозда ҳам кузатилган [100; 2017-б.].

Тиреотоксикоз билан оғриган беморларда мия томирлари ва синус тромбозининг айрим ҳолатларида VIII омил даражасининг ошиши ҳам қайд этилган. Гипотиреоз билан оғриган беморларга Л-тироксин терапиясини тайинланганда қон кетиш вақтининг қисқариши, протромбин вақтининг пасайиши ва фаоллашган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), VIII ва vWF омилларининг фаоллигининг пасайиши кузатилади [130; 479-484-б., 110; 225-б.].

Адабиётларда гипертиреоз билан оғриган беморларда vWF базал даражасининг ошиши билан боғлиқ ҳолда тромбоцитлар натижасида тромб шаклланишининг тезлашиши аниқланди. Адабиётга кўра, vWF эндотелиал дисфункциянинг плазма белгиси сифатида қаралиши мумкин. vWF атриал фибриляцияли беморларда мия инфаркти ва қон томир касалликлари хавфи билан боғлиқлиги аниқланди.

Қалқонсимон беги патологиясида фибриноген даражасини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларда тиамазол билан даволашдан кейин фибриноген даражасининг ошиши нормал қийматларга камайиши кузатилган [130; 479-484-б.].

Фибрин ҳосил бўлишидан олдин X омил ва протромбин фаоллашади. Қон ивиш жараёнида X омил муҳим аҳамиятга эга.

Юрак-қон томир касалликлари, мия инфаркти хавфи бўлган Д-димерлар орқали текширилади ва субклиник тиреотоксикоз билан уларнинг даражасининг ошиши аниқланди.

Гипертироид шароитларида гипокоагуляция ҳолатини кўрсатадиган илмий ишлар мавжуд. Маълумки, тиреотоксикоз метаболизм тезлигини

тезлаштириш орқали витамин К га боғлиқ қон ивиш омиллари II, VII, X нинг кўпайиши билан тавсифланади.

Гипертиреозда қон кетишининг сабаби капиллярларнинг мўртлиги, тиреотоксикоз натижасида келиб чиққан жигарнинг оғир шикастланиши ва иккиламчи юрак этишмовчилиги бўлиши мумкин.

Қалқонсимон беи дисфункциясида қоннинг реологиясининг турли параметрларга таъсирини умумлаштириб, тиреотоксикоз билан оғриган беморларда гиперкоагуляция ҳолати тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин, оғир гипотиреоз ҳолатда эса қон кетиш хавфи билан тавсифланади.

Субклиник ва енгил гипотиреозда [131; 49-56-б.], баъзи тадқиқотчилар, аксинча, тромбоз хавфининг ошишини қайд этишади.

Иссиқ иқлим шароитида организм эндокрин тизими ҳолати

Чақалоқлар ва қарияларда ҳам ҳароратнинг кескин ўзгариши хавфли бўлиши мумкин.

Уларнинг терморегуляциянинг бошқарилиши номукамаллиги туфайли совуқ таъсирга дош бериш қийинроқ. Бундан ташқари, эндокрин системасида патологиялардан азият чекадиган одамларда кўпгина ҳолларда гипоталамус-гипофиз-буйрак усти беи тизимидаги функционал бузилишлар, ошқозон ости беининг эндокрин функциясидаги ўзгаришлар ҳамда қалқонсимон беининг бузилиши натижасида юзага келган касалликларида салбий атроф-муҳит омиллари, шу жумладан совуқ ҳароратда кучайиши мумкин.

Иссиқ иқлим шароитида инсон организмнинг эндокрин тизими ташқи муҳит таъсирга мослашишда фаол иштирок этади. Атроф - муҳит ҳароратининг юқори бўлиши организмда терморегуляция, сув - туз мувозанати ва моддалар алмашинувини сақлаб туришни талаб қилади. Бу жараёнларни бошқаришда эндокрин безлар томонидан ишлаб чиқариладиган гормонлар муҳим аҳамиятга эга.

Иссиқ таъсирида гипоталамус – гипофиз тизими фаоллашиб, организмнинг барча эндокрин безлари ишини мувофиқлаштиради.

Қалқонсимон без фаолияти биров пасайиб, асосий алмашинув даражаси камаяди, бу эса организмда ортикча иссиқ ҳосил бўлишининг олдини олади. Бўйрак усти безлари томонидан альдостерон гормони кўпроқ ажратилади, натижада танада сув ва туз ушлаб қолинади, кўп терлаш орқали йўқотилган электролитлар қопланади. Шу билан бирга, стресс шароити сифатида иссиқ таъсири кортизол секрециясининг ошишига олиб келиши мумкин.

Гипофиз орқали антидиуретик гормон (АДГ) ишлаб чиқарилиши кучайиб, буйрақларда сувнинг қайта сўрилиши ортади ва организм сув йўқотишдан ҳимояланади. Углевод алмашинувида ҳам маълум ўзгаришлар кузатилиб, инсулин сезгирлиги ўзгариши мумкин. Умуман олганда, иссиқ иқлим шароитида эндокрин тизим фаолияти организмнинг ташқи муҳитга мослашишини таъминлаб, ички муҳит барқарорлигини сақлашга қаратилган.

Инсон организмга совуқ омилнинг салбий таъсири натижасида гормонлар: тироксин (қалқонсимон без), инсулин, адренал гормонлар, шунингдек, оксилларнинг парчаланишининг кучайиши натижасида кузатиладиган эндокрин тизимининг салбий реакциясини бошдан кечириши мумкин.

Ёғлар, углеводлар ва оксил молекулалари синтезининг камайиши кузатилади.

Маълумки, паст ҳароратлар эркак танасига кўпроқ салбий таъсир кўрсатади ва бунинг сабаби қуйидагича тушунтирилган.

Биринчидан, аёл танасининг ҳарорати ҳар доим эркакникидан бир оз юқори; иккинчидан, аёл танасининг сирт майдони эркакникига қараганда кичикроқ, яъни совуқ ҳавода иссиқлик йўқотилиши камроқ бўлади; учинчидан, эркак организмга тестостерон жинсий гормони таъсир қилади: тестостерон даражаси қанчалик юқори бўлса, тананинг иммунитетини заифроқ бўлади.

Жигар организмнинг атроф-муҳит омилларига нисбатан чидамликни кучайтирадиган ҳимоя ва адаптация реакцияларини ривожлантиришда

иштирок этадиган оксил ва пептид табиатли физиологик фаол моддаларининг шаклланиши ва деградациясида муҳим рол ўйнайди.

Терморегуляция жараёнида алоҳида аҳамиятга эга бўлган қалқонсимон безининг гормонлари [138; 282–298-б.] алмашинув жараёнларининг фаоллиги жигарнинг функционал ҳолатига боғлиқлиги кўрсатилган.

Бир қатор тадқиқотчилар миянинг терморегуляцион тузилмаларининг функционал фаоллиги ва асосан гепатоцитлар томонидан синтез қилинган ўткир фазадаги синтезланадиган оксиллар ҳамда [22; 104-б.] қондаги даражаси ўртасидаги яқин боғлиқликни аниқладилар.

Бактериал эндотоксинлар таъсирига организмнинг терморегуляцион реакцияларини шакллантириш механизмларида жигар детоксификация функцияси ҳақида далиллар олинган [3; 7-16-б.].

Шу билан бирга, жигар томонидан синтез қилинган протеиназ ингибиторларини ҳаддан ташқари қизиб кетганда терморегуляция механизмларида иштирок этиши ҳали ўрганилмаган.

Организмнинг тироид ҳолатини шакллантиришда уларнинг ролини аниқлаш бўйича тадқиқотлар умуман ўтказилмаган.

Инсонларда иштаҳани тартибга солиш бир қанча гормонлар даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб механизмга эга.

Масалан, ошқозондан чиқарилган плазма грелини кучли очлик ҳисси ва овқатланишига ёрдам берса [6; 495-522-б.] аксинча, ошқозон-ичак трактидан чиқарилган кўплаб гормонлар анорексиген таъсирга эга.

Ҳу пептиди (PYY) ва глюкагонга ўхшаш пептид (GLP-1) иштаҳани сусайтиришда муҳим рол ўйнайди.

Сўнгги йилларда жисмоний машқлар иштаҳани тартибга солувчи гормонларга таъсир қилиши кўрсатилган [135; 803-б.].

Олиб борилган изланишлар натижасида югуриш йўлакчасида 90 дақиқа югуриш плазмадаги Грелин концентрациясининг сезиларли даражада пасайишига ва субъектив очлик туйғусига олиб келганлигини кўрсатди.

GLP-1 ва PYY концентрацияси чидамлилик машқларидан сўнг кислороднинг максимал ютилишининг 65 фоизда (VO_2 максимал) сезиларли даражада камайганлигини кузатилган. Бундан ташқари, юқори интенсивликдаги чидамлилик машқлари (VO_2 максималнинг 75%) қон плазмасидаги GLP-1 ва PYY концентрациясининг сезиларли даражада ошишига ва кейинчалик паст интенсивликдаги чидамлилик машқларига (VO_2 максималнинг 50%) нисбатан энергия истеъмолининг пасайишига олиб келди [147; 357-364-б.].

Жисмоний машқлар натижасида иштаҳани тартибга солувчи гормонал реакциялар атроф-муҳит шароитларига боғлиқ.

Жисмоний машқлар пайтида атроф-муҳитнинг бир қанча омиллари орасида ҳарорат энг амалий ва манипуляция қилиш осон кўринади. Плазмадаги Грелин концентрацияси 30°C га қараганда 2°C да сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатди. 36°C да жисмоний машқлар, 25°C да жисмоний машқлар ва 25°C да дам олишдан иборат уч хил шароитда иштаҳани тартибга солиш таққосланган. 36°C да жисмоний машқлар бошқа иккита шароитга нисбатан плазмадаги Грелин концентрациясининг пасайишига олиб келди.

Иккита алоҳида тажрибада турли хил атроф-муҳит ҳароратида иштаҳани тартибга солишдаги ўзгаришларни таққослади (1-тажриба учун 30°C дан 20°C гача бўлган машқлар ва 2-тажриба учун 20°C дан 10°C гача бўлган машқлар).

Иккала тадқиқотда ҳам шароитлар ўртасида плазмадаги Грелин концентрациясида сезиларли фарқлар кузатилмаган бўлса-да, 30°C (1-тажриба) машқдан кейин энергия сарфи пастроқ ва 10°C (2-тажриба) машқдан кейин юқори бўлган.

Гормонал терморегуляция тана ҳароратининг ўзини ўзи бошқариши бир қатор гуморал омиллар билан белгиланади. Иссиқлик ишлаб чиқариш жараёнларида гипофиз, қалқонсимон без ва буйрак усти безларининг гормонлари иштирок этади.

Тажрибаларда бу безларни олиб ташлаш ҳайвонларнинг юқори ва паст ҳароратларга чидамлилигини пасайтиради.

Паст атроф-муҳит ҳароратида тана ҳароратини ўз-ўзини бошқариш жараёнларида асосан гипофиз безининг соматотроп ва қалқонсимон безининг стимулятор гормонлари, қалқонсимон гормонлар ва адреналин иштирок этади ҳамда улар тўқималарда, хусусан мушакларда оксидланиш жараёнларини кучайтиради, иссиқлик ишлаб чиқаришни оширади, тери томирларини торайтиради, шу билан бирга иссиқлик узатилишини камайтиради. Адабиётлардаги маълумотларга кўра атроф - муҳит ҳароратининг кўтарилиши шароитида ўз-ўзини бошқариш жараёнларида гипофиз безидан қалқонсимон безининг фаолиятини бошқарувчи ТТГ гормонининг секрецияси камаяди. Бундай ҳолда, адреналин тери артериолаларининг б-адренергик рецепторлари билан ўзаро таъсирланиб, уларнинг кенгайишига ёрдам беради ва шу билан иссиқлик узатиш жараёнларида иштирок этади.

Баъзи адабиётлардаги маълумотларга кўра иссиқ иқлим шароитида организмнинг қалқонсимон беи фаолияти ташқи муҳит ҳароратига мослашишга қаратилган ўзгаришларга учрайди.

Қалқонсимон без тироксин (Т4) ва трийодтиронин (Т3) гормонларини ишлаб чиқариб, организмда моддалар алмашинуви ва иссиқлик ҳосил бўлишини бошқаради.

Атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган шароитда эса организмда ортиқча иссиқ ишлаб чиқарилишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Иссиқ иқлим таъсирида қалқонсимон безнинг функционал фаолияти нисбатан пасаяди.

Қон таркибида тиреоид гормонлар миқдори бироз камайиб, асосий алмашинув даражаси секинлашади.

Бу ҳолат организмда энергия сарфини камайитириш ва қўшимча иссиқлик ҳосил бўлишини чеклашга хизмат қилади.

Шу орқали тана ҳароратини барқарор сақлаш таъминланади.

Шунингдек, иссиқ иқлимда гипоталамус–гипофиз–қалқонсимон без тизими ўртасидаги бошқарув механизмлари ўзгаради.

Тиреотроп гормон (ТТГ) секрецияси камайиши натижасида қалқонсимон без фаолияти сусаяди.

Бу физиологик адаптация бўлиб, соғлом одамларда касаллик ҳолати ҳисобланмайди.

Умуман олганда, иссиқ иқлим шароитида қалқонсимон без фаолиятининг пасайиши организмнинг ташқи муҳитга мослашиш реакцияси бўлиб, иссиқлик алмашинувини оптимал даражада сақлашга ёрдам беради. Одамларда ва приматларда серотонин совуқда терморегуляциянинг марказий механизмларини тартибга солувчи доминант воситачидир. Катеколаминлар, хусусан, норепинефрин иссиқлик ўтказувчанлигини оширади, серотонин эса танани совутганда иссиқлик ишлаб чиқаришни оширади. Микроб таъсири остида мия эндоген пироген - интерлейкин ишлаб чиқаради [32; 158-б., 40; 149-154-б.].

**II БОБ. ИССИҚЛИК ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНУВЧИ
ГИПЕРТИРЕОЗДА ҚОН ИВИШ ТИЗИМИ ВА РЕОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАРИ**
Экспериментал тадқиқот текшириш усуллари

Тажрибалар виварий шароитида лаборатория диетасида сақланадиган, бошланғич оғирлиги 130-180 г бўлган 96 та оқ зотсиз эркак каламушларда ўтказилди.

Барча лаборатория ҳайвонлари битта виварийдан олинган ва бир-хил ёшда бўлган. Ушбу вояга етган (3 ойлик) оқ зотсиз эркак каламушлар термометр қўйилган ва вақти-вақти билан шамоллатиб туришга мўлжалланган махсус хонадан фойдаланилди.

Бунда тадқиқот ҳайвонларга доимий куннинг бир хил вақтида (соат 15.00 дан 18.00 гача) гипертермик таъсир эттирилди.

Лаборатория ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя қилинган.

Л– тироксинни (Берлин-Хеми, Германия) 30 кун давомида 100 мкг /кг дозада юбориш Д. К. Саҳоо ва бошқ [143; 1058-1067-б.] усули орқали олинган гипертиреоз моделида тажрибалар ўтказилди.

Гипертиреоз ҳолати фермент билан боғлиқ ИХЛА усули билан аниқланган ТТГ, T_4 , T_3 қондаги даражаси билан тасдиқланган.

Тажрибалар ҳар хил ҳароратда икки хил хонада ўтказилди. Биринчи хонада ҳарорат 17-24 °С, иккинчи хонада эса 42°C ±1 дан юқори эди.

Тажрибалар учун хона сунъий равишда иситилди, вентиляция таминланди ва хонанинг ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича ўлчанди: Тажрибалар бошланишидан олдин уч кун давомида хонанинг ҳарорати ўлчанди ва унинг ўртача ҳарорати ўртача 42°C ±1 даража эди.

Ҳайвонлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

1-гуруҳ- 17-24°C муҳит шароитдаги ҳароратда сақланадиган интакт гуруҳ ҳайвонлар ;

2-гуруҳ- атрофдаги муҳит ҳароратида 42°C±1 бўлган назорат гуруҳ

хайвонлари;

3-гуруҳ-17-24°C муҳит ҳароратида гипертиреоз чақирилган тажриба хайвонлар;

4-гуруҳ- муҳит ҳарорати 42°C±1 бўлган гипертиреоз моделини чақиртирилган тажриба хайвонлар. Ушбу гуруҳдаги умумий ўлим 3,3 % ни ташкил этди.

Гипертироидизм моделини чақириш учун экспериментал хайвонларга ҳар куни Л-тироксин препарати (Берлин-Хеми, Германия) 100 мкг/кг дозада перос юборилди.

Тадқиқот Л-тироксин перос юборилиши бошланганидан 30 кун ўтгач амалга оширилди. Интакт гуруҳ 18 та каламушдан иборат эди. 3 та серияли тажрибалар ўтказилди.

Жами; 1-серияда (32 та хайвон) гемостаз тизими параметрлари ва қалқонсимон бездаги структуравий ўзгаришлар ҳолати ўрганилди; 2-серияда (32 та хайвон) Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда хайвонлар қонининг реологик хусусиятлари ўрганилди; 3-серияда қон зардобидеги ва органларнинг биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилди (32 та хайвон). Тадқиқотлар моделлар чақирилгандан кейин 1, 3 ва 7 кундан кейин ўтказилди. Умумий эфир наркози остида хайвонлар декапитация йўли билан сўйилган.

Тадқиқот усуллари.

Биокимёвий тадқиқот усуллари: Тажрибавий гипертиреоз чақирилган оқ зотсиз эркак каламушлардан олинган қондаги ТТГ ҳамда қалқонсимон безининг Т₄ ва Т₃ гормонлар миқдори “ГЕНОТЕХНОЛОГИЯ” МЧЖ лабораториясида ИХЛА усулида амалга оширадиган ва қон плазмасидаги моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун мўлжалланган Abbott – Architect System (USA) автоматлаштирилган тизими ёрдамида фермент билан боғланган иммуноцорбент усули ёрдамида аниқланди.

Автоматик биокимёвий анализатор “BIOScayc 240 Плус” аппаратида амалга оширилди.

Бунда қон зардобадаги умумий, боғланган, боғланмаган биллирубинлар, аланин ва аспартатамино-трансферазалар, глюкоза, мочевино, креатинин, умумий оксил ва ишқорий фосфатаза миқдорларини аниқланди.

ИХЛА хемилюминесцент принципага асосланган - ёруғлик нурланиш ходисаси кўринадиган диапазон (тўлқин узунликлари 300 дан 800 нм гача) кимёвий реакциялар атомлар ёки молекулаларнинг электронларининг радиацион ўтиши натижасида юзага келадиган реакциялар асосий ҳолатга фаоллашган, ўзига хос ўзаро таъсир билан бирлаштирилган антиген ва антитело тизимини ўрганади.

Кўпинча ИХЛА гетероген форматда учрайди.

Рақобатбардош ва рақобатбардош бўлмаган, шунингдек тўғридан-тўғри ва билвосита ИХЛА фарқ қилади.

Шулардан тўғридан-тўғри ИХЛА люминесцент белгилари сифатида лумиол ва изолумиол ишлатилади ва шунингдек, рўйхатга олинган кимёвий модификация қилинган акридия ва рутений эфирлари антиген ёки ўзига хос антителодан фойдаланилади.

Билвосита ИХЛА да ферментатив жараён каби гидроксида фосфатаза билан адамантил-1,2-диокцентанарил фосфат ҳамда субстрат сифатида луминол ёки унинг ҳосилалари билан субстрат ёки пероксидаза ишлатилади.

ИХЛАнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бир неча афзалликларга эга электрохемилюминесцент иммуноанализ (ЭХЛИА) электрокимёвий ва ИХЛА усуллари дур. ЭХЛИА принципага асосланган электрохемилюминесцент-натижада кўринадиган диапазонда ёруғлик эмиссияси электрокимёвий реакциялар натижасида ўрганилади.

ИХЛА витаминлар, гормонлар, антибиотиклар, токсинлар ва бошқаларни аниқлаш учун кенг қўлланилади.

ИХЛА нинг асосий афзалликлари қуйидагилардир: ниҳоятда юқори сезувчанлик (зептомол тартиби), кенг динамик диапазон, юқори селективлик, шунингдек таҳлилни тўлиқ ва қисман автоматлаштириш қобилияти ҳисобланади.

Биокимёвий текширувлар тажриба ҳайвонларнинг қон таркибининг: қоннинг умумий таҳлили, мочевино, қон креатини, умумий оксил ва унинг фракцияси, қанд, билирубин (умумий, тўғри ва тескари), қон ферментлари (Аст, Алт), ишқорий фосфатаза фаоллигини аниқлаш автоматик биокимёвий анализатор “BIOSайс 240 Плус” да амалга оширилди..

Олинган маълумотлар Excel-2010 статистик таҳлил дастуридан фойдаланиб, ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий қийматлар (частота, %), Стъудент хатоликни ҳисоблаш эҳтимоли (P) билан синов (t). Шу билан бирга, биз клиник ва лаборатория тадқиқотлари маълумотларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга амал қилдик.

Гемостаз тизими параметрларини текширув усули

Гемостаз тизими “ГЕНОТЕХНОЛОГИЯ” МЧЖ лабораториясида HemosIL тестлари тўпламида “ACLTOP350CTC” (АҚШ) автоматик коагулометр анализатори ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот учун қон олишдан олдин ҳайвонлар диэтил эфири билан ухлатилди.

Тадқиқот учун 5-6 мл миқдорда қон намуналари антикоагулянт полистирол бўлган пробиркаларда олинди.

Антикоагулянт сифатида 3,8% концентрацияда уч алмаштирилган 5,5 сувли натрий цитрат ишлатилади (0,11 М).

Антикоагулянт билан қон 9:1 нисбатда аралаштирилди. Қонни центрифугалаш хона ҳароратида (18-25°C) ёпиқ градусли полистирол пробиркаларида ўтказилди. 1000 об/мин (160 г)ли тезликдаги етти дақиқалик центрифугадан сўнг тромбоцитларга бой плазма олинди.

Бундан ташқари, унинг бир қисми тромбоцитларнинг микроагрегациясини баҳолаш учун ишлатилди.

Қолган плазма 3000 об/мин (1200 г) ли тезликда ўн беш дақиқа давомида центрифуга қилинди.

Қон лахталари, кўпик ёки гемолизланган эритроцитлар аралашмаси ҳосил бўлган пробиркалар ташлаб юборилди.

Натижада тромбоцитларсиз плазма олинди, сўнгра автоматик пипетка ёрдамида полистиролли градусли пробиркаларга ўтказилди. Олинган намуналар 2 соатдан кўп бўлмаган вақт давомида гемостаз тизими кўрсаткичларини баҳолаш учун ишлатилди.

Қон таркибий қисмлари ҳамда гемостаз кўрсаткичлари қўйидаги текширувлар орқали амалга оширилди.

- Гемокрит кўрсаткичлари ГК ва глобуляр хажм танқислиги (ГХТ) аниқланди;

- Эритроцитлар миқдори анализаторда аниқланди;

- Лейкоцитлар миқдори анализаторда аниқланди;

- Тромбоцитлар миқдори анализаторда аниқланди;

- Қон плазмасидаги оксил миқдори рефрактометр усулида аниқланди;

- Қон ивиш вақти Ли-Уайт бўйича аниқланди;

- Протромбин вақти аниқланди (ПТВ);

- Плазма таркибидаги фибриноген миқдори аниқланди;

- Тромбоцитлар агрегацияси аниқланди.

- Қон суртмасида тромбоцитлар сонини Фонио (1979 г) йил бўйича саналди;

- Активлашган қисман тромбопластин вақти (АҚТВ)

Тромбоцитларнинг ўз-ўзидан ва индукция қилинган агрегацияси Борннинг турбидиметрик усули билан аниқланди, унинг моҳияти шундаки, плазмада проагрегантлар қўшилганда заррачаларнинг кенгайиши ва бўш жойларнинг кўпайиши туфайли унинг оптик зичлиги ўзгаради. 9:1 нисбатда 3,8% натрий цитрат эритмаси билан стабиллашган қон плазмаси ишлатилган. АДФ агрегация индуктори сифатида 0,005 М якуний концентрацияда ишлатилган.

АДФ қўшилгандан сўнг тромбоцитларга бой плазманинг оптик зичлигининг максимал ўзгариши (агрегация амплитудаси %) аниқланди.

Тромбоцитларнинг ўз-ўзидан ва индукция қилинган агрегацияси Борнинг турбидиметрик усули билан ўрганилган [4; 15-18-б.], бу плазма ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгаришларини қайд этишга асосланган.

Агрегация индуктори сифатида АДФ ишлатилади, у хужайраларни йўқ қилиш вақтида чиқарилади ва бошланган тромбоцитлар томонидан ишлаб чиқарилади.

Гемостазнинг коагуляцион алоқаси ярим автоматик CLOTS-SP (1a) коагулометри ёрдамида ўрганилди: фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти, тромбин билан чўктирилган фибриногеннинг плазма концентрацияси ва гемостазнинг тромбоцит бўғинини ўрганиш Биола (Россия) лазер агрегометрида ўтказилди [12; 233-б.].

Агрегация турбидиметрик усулда қайд этилган. Тромбоцитларга бой плазманинг ёруғлик ўтказувчанлиги тебранишлари таҳлил қилинди.

Қон зардобиде гомосистеин, интерлейкинлар, ўсма некрози омили альфа, эндотелин-1 таркибини баҳолаш учун вектор-Бест реактивларидан фойдаланган ҳолда фермент билан боғланган иммуносорбент анализатор ишлатилган.

Тромбоцитлар агрегациясини ўрганиш принципи агрегатлар ҳосил бўлганда тромбоцитларга бой плазма (ТБП) намунасининг оптик фаоллигининг ўзгаришига асосланади.

Ёруғлик ўтказувчанлиги фоиз сифатида аниқланади, тромбоцитларга бой плазма (ТБП) ёруғлик ўтказувчанлиги 0%, тромбоцитларга бой плазма (ТБП) ёруғлик ўтказувчанлиги 100% сифатида қабул қилинади.

Тромбоцитлар агрегациясининг индуктори сифатида АДФ 5 мкм якуний концентрацияда танланган. Тадқиқот тромбоцитларга бой плазмада ўтказилди.

Агрегатограммани декодлашдан сўнг тромбоцитларнинг табиий фон агрегацияси (спонтан агрегация, %), агрегатларнинг максимал ҳажми (МРА; ОТН. бирликлар); агрегатларнинг максимал ҳажмига эришиш тезлигини белгилайдиган қиймати (ОТН. бирликлар/мин.); агрегатларнинг максимал

ҳажмига эришиш вақти (сек.); тромбоцитларнинг функционал фаоллиги (АА, %).

Фарқларнинг ишончлилигини аниқлаш учун Стюдент ишонч коэффитсиэнти (т) ва эҳтимоллик қиймати (Р) ҳисоблаб чиқилган.

Тромбоцитларнинг агрегацион фаоллигини аниқлаш.

Моддаларнинг тромбоцитларнинг функционал фаоллигига таъсирини ўрганиш ин витро усулга мувофиқ амалга оширилди Борн модификациясида Габбасова В. А. (1989) [4; 15-18-б.] НПФ "Биола" 220ЛА (Россия) тромбоцитлар агрегациясининг икки каналли лазер анализаторида ўтказилди. Қон плазмаси ишлатилган, 3,8% натрий цитрат эритмаси билан 9:1 нисбатда стабиллашган ва Мульти-центрифуга СМ-6М (ELMI, Латвия) центрифугасида 1500 айланиш тезлигида 12 дақиқа давомида центрифуга қилинди.

Калибрлаш учун зарур бўлган тромбоцитларга плазмани олиш учун тромбоцитлар билан бойитилган плазма 15 дақиқа давомида 3000 тезликда центрифуга қилинди.

Ушбу усул тромбоцитларга бой плазманинг ёруғлик ўтказувчанлигидаги ўзгаришлар даражасини қайд этишга, агрегацияни келтириб чиқарадиган охирги моддаларга қўшилганда (доимий аралаштириш шароитида), шунингдек, асбобнинг оптик каналидаги зарралар сонининг тасодифий ўзгариши натижасида ҳосил бўлган суспензия намунасининг ёруғлик ўтказувчанлигининг ўзгаришини таҳлил қилишга асосланган. Агрегациянинг пайдо бўлиши учун зарур шарт- бу агрегометрга бириктирилган магнит аралаштиргич ёрдамида амалга оширилган плазмани механик аралаштириш.

ЭДТА ёрдамида қурилмани икки нуқтада олдиндан калибрлаш амалга оширилди. Шу билан бирга, тромбоцитларга бой плазманинг ёруғлик ўтказувчанлиги 0%, тромбоцитларга бой плазманинг ёруғлик ўтказувчанлиги 100% сифатида қабул қилинди.

Тромбоцитлар агрегациясини назорат қилиш учун тажриба давомида агрегометр кюветасига кетма-кет 300 мкл тромбоцитларга бой 40 плазма ва 10

мкл тромбоцитларни агрегация қилиш индуктори аденозин-5-дифосфор кислотаси (АДФ) (Sigma AQSh), якуний концентрациясида 5 мкм киритилди. Тромбоцитларга бой 300 мкл плазма бўлган кюветадаги бирикмаларнинг антиромбоцит фаоллигини ўрганаётганда, 1×10^{-4} М концентрациясида ўрганилаётган бирикманинг 10 мкл эритмасини қўшилди. Намуналар агрегометрнинг термостатик хужайраларида 37°C да 5 дақиқа давомида инкубация қилинди.

Агрегатограмма ёзувини ёкгандан сўнг, жараёни рўйхатдан ўтказишнинг 10 сониясида, агрегация индуктори кюветга қўшилди. Таққослаш воситаси сифатида ацетилсалицил кислотаси ишлатилган, у клиникада антиплательет воситаси сифатида кенг қўлланилади. Тромбоцитларни йиғиш жараёни қайд этилганда, тромбоцитларга бой плазманинг оптик зичлигининг пасайишини акс эттирувчи эгри чизиқлар 5 дақиқа давомида олинган.

Агрегация даражаси агрегатограмманинг максимал амплитудаси катталиги бўйича баҳоланди. Ўрганилаётган бирикмаларнинг тромбоцитлар агрегациясига (Инат) ингибитив таъсирини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилди: $\text{Инат} \setminus y = 100 - (B/A) \times 100\%$; бу эрда А-ўрганилаётган бирикмаларсиз каламушларнинг қон тромбоцитлари агрегацияси даражаси, В-тромбоцитларга бой плазма ўрганилаётган бирикмалар билан инкубация қилинганидан кейин тромбоцитлар агрегацияси даражаси.

Бирламчи гемостазни текшириш усули. Гемостазнинг тромбоцитар компоненти 3,8% (0,109 мол/л) вена қони 3 марта ўрнини босувчи 5,5 сувли натрий цитрати 9:1 муносабатда ёки 3,2% (0,109 мол/л) қон олиш учун вакуумли тизимда 3 марта алмаштирилган 2 сувли натрий цитрат пластик найчага тўпланди.

Тромбоцитлар билан бойитилган плазма (ТБП) хона ҳароратида (18-25°C) 10 дақиқа мобайнида 150-200 г центрифугалаб олинди.

Таҳлил учун 1,0 мл ТБП этарли бўлди. Тромбоцитлар билан бойитилган плазмада тромбоцитлар миқдори 500 ± 50 минг/мм³дан ошмаслиги керак.

Тромбоцитлар кам бўлган плазма (ТКП) цитрат қонини 20 дақиқа мобайнида 2500 г центрифугалаш билан олинди.

Тромбоцитлар билан бойитилган плазмани таҳлил олиб борилгунича тадқиқот босқичларининг кетма кетлигида хона ҳароратида 30 дақиқа ушлаб турилди.

а. Намуна тайёрлаш учун ТКП 0,3 мл агрегометр кюветасига киритилди.

б. Бошқа кюветага 0,3 мл ТБП қуйилди ва бу кювета 37°C ҳароратда 3 дақиқа давомида инкубасия қилинади, кейин бу кюветага аралаштиргич киритилди.

в. Зарур бўлганда кўрсатмаларга мос ҳолда агрегометрияга 0 ва 100% ўрнатилди.

г. Кювета марказида ТБП билан 0,03 мл агрегасия индукторига мос эритма киритилди.

Д. 5-15 дақиқа мобайнида тромбоцитлар агрегацияси жараёни кузатилди. Тромбоцитлар агрегацияси 2-3 марта аниқланди ва олинган натижа ўртача арифметик тарзда ҳисобланди.

Текширилаётган қон плазмасининг агрегатограммаси ёзилди.

2. Қон суртмасида тромбоцитлар Фонио усулида аниқланди, нормада 250×10^9 ташкил қилди (тромбоцитлар қоннинг бўялган суртмасида 1000 эритроцитга ҳисобланди).

Қоннинг ивиш тизимини текшириш усуллари (иккиламчи гемостаз). Қон ивишининг биринчи фазасини баҳолаш —протромбиназалар ҳосил бўлиши.

1. Қоннинг ивиш вақти Ли-Уайт усули бўйича аниқланди. Найчага қонни киритган пайтидан то унинг ивишигача бўлган вақт аниқланди. Қон ивишининг ички механизмини баҳолаш имкони бўлди (найчанинг шиша юзаси билан муносабатга кирганда XII омил фаоллашди). Нормада вена қони ивиш вақти 5-8 дақиқани ташкил қилади.

2. Қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ) (коалин-кефалин). Тадқиқот учун икки марта центрифугалаш натижасида олинган тромбоцитларсиз қон плазмасидан фойдаланилди.

Биринчи центрифугалашдан кейин плазма бошқа найчага (пробиркага) қуйилди ва дақиқасига 3000 айланиш 15 дақиқа мобайнида такроран центрифугаланди.

Центрифугалангандан кейин зудлик билан плазманинг юза қатлами (ярмидан кўп бўлмаган ҳажм) пластик найчага кўчирилди.

Плазмадаги тромбоцитларнинг қолган қисми 1000/μл плазмадан ошмаслиги керак. Қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ) - тест таркибида нефракционланган гепарин бўлган ПГ-7/1 кодли плазмани, қон олинганидан кейин бир соат ўтмасдан центрифугалаш талаб қилинади, хона ҳароратида сақланади ва 4 соатдан кечиктирмай таҳлил қилинди.

Флакonga ҚФТВ - реагент билан 4 мл дистилланган сув қуйилди, қимирлатиб эритилди. Реагент эритилганидан кейин 30 дақиқа ўтгач таҳлилга тайёр бўлди.

Кальций хлорли 0,025 М эритма таҳлилдан олдин 37°C да иситилди. Таҳлил автоматик коагулометрда олиб борилди, коагулометрда ҚФТВ аниқлаш учун дастур танланди, кейин флаконларга тайёрланган реагентларга мос коагулометр ячейкалари жойлаштирилди, плазманинг назорат ва текширилувчи намуналарига мос коагулометр ячейкалари ҳам жойлаштирилди, ўлчаш дастури ишга туширилди, охирида натижа ҳисобланди.

Қон ивишининг иккинчи фазасини баҳолаш - тромбиннинг ҳосил бўлиши.

1) протромбин вақти (ПТВ). Қон ивишининг ташқи механизмини баҳолаш имкони бўлди. Бунинг учун анализаторда ПВ аниқлаш учун дастур танланди — анализаторнинг тегишли ячейкаларида жойлашган кюветада текшириляётган ва назорат қилинаётган плазма, протромбин-калибратор жойлаштирилди, реагент учун мос ячейкада ренампластин ҳам

жойлаштирилди, Calibrate дастури, найча (прибор) калибровкаси, сўнгра ПВ ни аниқлаш дастури ишга туширилди. Натижалар ҳисобланди.

Қон ивишининг учинчи фазасини баҳолаш — фибрин ҳосил бўлиши.

Плазмада фибриногенни аниқлаш.

Венадан олинган қон пластик найчада 3,8% (0,109 мол/л) миқдордаги натрий цитрат билан 9:1 муносабатда ёки 3,2% (0,109 мол/л) натрий цитрат билан қон олиш учун вакуум тизимда 18 – 25°C ҳароратда дақиқасига 3000 ҳажмда (1200 г) 15 дақиқа центрифугаланади.

Қон плазмаси олинганидан кейин зудлик билан таҳлил қилинди. Ишчи буфер эритмаси имидазолли концентрланган буфер 20 марта эритиб қорилади (флакон таркиби ўлчамли идишга қуйилади, 100 мл дистилланган сувга тенглаштирилиб, яхшилаб аралаштирилади).

Фибриногенни аниқлаш учун тромбинни лиофил тарзда қуритилган бўлади. Флаконга 2 мл дистилланган сув қуйилади ва флаконда мавжуд эритма билан чайқаб эритилади.

Таҳлил учун реагент чайқалгандан 20 дақиқа ўтгач тайёр бўлди. ИЛ автоматик коагулометрда ишлаш учун флаконга 2 мл тромбиннинг физиологик эритмаси қўшилди.

Плазма - калибратор эритмаси бор флаконга 1 мл дистилланган сув қуйиб, секин силкитиб эритилади.

Эритма аралаштирилганидан 20 дақиқа ўтгач текширувга тайёр бўлади. Автоматик коагулометрда таҳлил олиб борилди, фибриногенни аниқлаш учун коагулометрда дастур танланди.

ПГ-10/1 кодли фибриноген-тест, флаконга коагулометр ячейкасига мос тайёрланган реагент жойлаштирилди, ускуна (прибор) калибровкаси, Calibrate дастури ишга туширилди, кейин коагулометр ячейкасига мос текширилаётган ва назорат қилинаётган плазма намуналари ҳам жойлаштирилди, фибриногенни аниқлаш дастури ишга туширилди, натижалар ҳисобланди.

Диагностика усулларини комплекс қўллаш асосида қон кетиш кузатилган вазиятларни бошқариш, даволашнинг мақбул тактикаси танланди.

Гемостаз тизимини ўрганиш қон кетиш этиологияси ҳамда қон кетишнинг қайталаниши, кечишида прогностик аҳамият муҳим ҳисобланади, бу эса даволаш жараёни самарадорлигини оширади.

Тадқиқот материалларини қайта ишлаш ИБМ синфидаги компьютер статистик дастурлари тўплами ёрдамида вариацион статистика усулида Студент ишончлилик мезони бўйича аниқлаш билан амалга оширилди. Кўрсаткичлар фарқи $P < 0,05$ ишончли ҳисобланган.

Қоннинг реологик текшируви

1. Қоннинг реологик хоссалари унинг қовушқоқлиги ва динамик силжиш тезлигини аниқлаш орқали ўрганилди.

2. Қоннинг реологик хоссалари, қовушқоқлиги ҳамда суюқлигининг асосий кўрсаткичларидан бири В.М.Удовиченко [35; 73-75-б.] модификацияси билан Коупли усули ёрдамида аниқланган.

3. Коупли вискозиметри асосида преостат, ўлчаш капилляр ва термостатик блокдан иборат тизим йиғилди.

4. Қоннинг қовушқоқлигини ҳамда динамик силжиш тезлиги кўрсаткичлари, гидростатик босимнинг турли қийматларини (2,4,8,12,16, мм Н₂О) қўллаш орқали аниқланди, чунки бу қийматлар турли калибрли томирлардаги босимга мос келади.

Қоннинг қовушқоқлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\eta(\text{сПз}) = \frac{100 * g \eta}{8 * R^2 * l * L} * P * t \quad (2.1)$$

бунда

η – қон қовушқоқлиги (сПз)

P – капилляр кенг қисми радиуси (м) ;

l – тор қисми узунлиги (м);

L – кенг қисми узунлиги (м);

t – қон силжиш вақти (м);

P – преостатдан капиллярга бериладиган босим, (мм.сுவ устуни);

ε – тортишиш тезланиши (м/сек²).

Қонни силжиш тезлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V = \frac{4 * R^2 * L}{R^3 * t} \quad (2.2)$$

B – қон силжиш тезлиги (сек⁻¹)

III БОБ. ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНУВЧИ ТАЖРИБАВИЙ ГИПЕРТИРЕОЗ ДИНАМИКАСИДА ҚОН ШАКЛИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ МИҚДОРИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Гипертиреоз модели олингандан сўнг 1- кунда экспериментал ҳайвонларнинг қон хужайралари таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, интакт гуруҳ ҳайвонларда эритроцитлар сони $6,73 \pm 0,20 \times 10^{12} / \text{л}$, лейкоцитлар $8,26 \pm 0,51 \times 10^9 / \text{л}$, тромбоцитлар $369 \pm 35 \times 10^9 / \text{л}$.

Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида ҳайвонларни сақлашда худди шу параметрлар мос равишда 17,1% га юқори бўлган, 16,8% ва 16,5%

Ушбу натижалар атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати таъсирида қоннинг сезиларли даражада қуюқлашишини кўрсатади.

Экспериментал гипертиреозда қоннинг шаклий элементларининг текширилган параметрлари аниқ ўсиш тенденциясига эга эди.

Шундай қилиб, нормал ҳарорат шароитида ривожланган гипертиреозда эритроцитлар сони интакт ҳайвонлар гуруҳига нисбатан 8,6 % га ошди ва $7,31 \pm 0,08 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди.

Лейкоцитлар ва тромбоцитлар сони сезиларли даражада 23,5% ва 25,2% га ошди. Қоннинг умумий оксиллар микдори интакт гуруҳларда $69,1 \pm 0,5$ г/л. Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида тажриба ҳайвонларни сақлашда худди шу параметрлар мос равишда 14,9% га юқори ва 79,4 г/л га тенг бўлган. Юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида юзага келган гипертиреоз қон тромбоцитлари сонига аниқроқ таъсир кўрсатди, унинг қиймати $656 \pm 65 \times 10^9/л$ ни ташкил этди. Бу кўрсаткич интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли параметридан 77,8% га, назорат параметрларидан 52,6% га ошди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, назорат гуруҳи ва юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида келиб чиққан гипертиреоз билан касалланган ҳайвонлар гуруҳи ўртасида эритроцитлар сони кўрсаткичларида ҳам сезиларли фарқ қайд этилган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб экспериментал гипертиреоз билан касалланган ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг тенгсизлигини кўрсатади.

Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида экспериментал гипертиреознинг ривожланиши қоннинг шаклий элементлари таркибининг сезиларли даражада ошиши ва тромбоцитларнинг прокоагуляцион фаоллигининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланади.

Гипертиреоз модели олингандан сўнг 7- кунда қон наъмуналари текширилганда экспериментал ҳайвонларнинг қон ҳужайралари таркибини, интакт гуруҳ ҳайвонларда эритроцитлар сони $6,73 \pm 0,20 \times 10^{12} / л$, лейкоцитлар $8,26 \pm 0,51 \times 10^9/л$, тромбоцитлар $369 \pm 35 \times 10^9 / л$.

Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида ҳайвонларни сақлашда худди шу параметрлар мос равишда 20,35% га юқори бўлган, 19,5% ва 20,9%.

Ушбу натижалар атроф -муҳитнинг юқори ҳарорати таъсирида қоннинг сезиларли даражада қуюқлашишини кўрсатади.

Экспериментал гипертиреозда қоннинг шаклий элементларининг текширилган параметрлари аниқ ўсиш тенденциясига эга эди.

Шундай қилиб, нормал ҳароратда юзага келган гипертиреоз каламушларда эритроцитлар сони интакт ҳайвонлар гуруҳига нисбатан 12,6% га ошди ва $7,58 \pm 0,08 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди.

Лейкоцитлар ва тромбоцитлар сони сезиларли даражада 29,5% ва 36,3% га ошди. Қоннинг умумий оқсиллар миқдори интакт гуруҳларга нисбатан 7,5% га ошиб 74,3 г/л ташкил этди.

Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида юзага келган гипертиреоз тажриба ҳайвонларда худди шу параметрлар интакт гуруҳдаги кўрсаткичлардан мос равишда 23,7% га юқорилиги ҳамда 85,5 г/л эканлиги аниқланди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида юзага келган гипертиреоз қон тромбоцитлари сонига аниқроқ таъсир кўрсатди, унинг қиймати $705 \pm 68 \times 10^9/л$ ни ташкил этди.

Бу кўрсаткич интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли параметридан 91% га, назорат параметрларидан 58,1% га ошди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, назорат гуруҳи ва юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида келиб чиққан гипертиреоз билан касалланган ҳайвонлар гуруҳи ўртасида эритроцитлар сони кўрсаткичларида ҳам сезиларли даражада фарқ қайд этилти.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб экспериментал гипертиреоз билан касалланган ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг тенгсизлигини кўрсатади.

Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида экспериментал гипертиреознинг ривожланиши қоннинг шаклий элементлари таркибининг сезиларли даражада ошиши ва тромбоцитларнинг прокоагуляцион фаоллигининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланди.

IV.БОБ. ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДАГИ ТАЖРИБАВИЙ ГИПЕРТИРЕОЗ ДИНАМИКАСИДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ ТРОМБОЦИТАР ВА КОАГУЛЯЦИОН ОМИЛЛАРИ ЎЗГАРИШЛАРИНИ ҲАМДА ҚОН РЕАЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра каламушларда гемостаз тизими параметрлари донор инсон плазмасида олинган натижалардан фарқ қилади [126; 1-б.].

Шунинг учун меъёрий бирлик сифатида интакт гуруҳи ҳайвонларида гемостаз тизими параметрлари олинди.

У қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди:

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси:
 - 10-2 – 18,4 сек
 - 10-6 – 39,2 сек
2. АҚТВ (активлашган қисман тромбопластин вақти) – 38,6 сек
3. ПТИ (протромбин индекси) – 64 %
4. ХНН (халқаро нормалланган нисбат) – 1,29 халқаро бирлик
5. ПТВ (протромбин вақти) – 14,2 сек
6. ТВ (тромбин вақти) – 17,8 сек
7. ПФ (плазма фибриногени) - 1,82 г/л

Иссиқ иқлим шароитида $42^{\circ}\text{C} \pm 1$ дан юқори ҳарорат таъсирида ривожланган тажрибавий гипертиреознинг 1-қунида гемостаз тизимининг кўрсаткичлари интакт ҳамда назорат гуруҳи ҳайвонлари билан таққослаб кўрилганда сезиларли ўзгаришлар кузатилиб, параметрлар гиперкоагуляция томон ўзгараётганлигини кўриш мумкин:

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси кўрсаткичлари:

- 10-2 – 15,2 сон. ва 10-6 – 32,6 сон. ларни ташкил қилиб, мос равишда шу муддатдаги назорат гуруҳи ҳайвонларидан 17,4% ва 16,8% ларга қисқарганлиги малум бўлди.

2. АҚТВ индекси плазма омиллари (I, V, VIII, IX, X, XI, XI ва фибриноген) концентрациясига боғлиқ қон коагуляциясининг ички омиллари самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

У 33,9 сек.ни ташкил қилиб, назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан – 12,2 % га қисқарганлиги аниқланди.

3. ПТИ (111%) тадқиқот гуруҳида назорат гуруҳи ҳайвонларига солиштирилганда 73,4 % гача ортганлигини кўришимиз мумкин.

4. Қон ивиш реакцияларининг бутун каскадини тезда баҳолашга имкон берадиган ПТВ кўрсаткичи тадқиқот ҳайвонларида (10,3 сек.) назорат гуруҳи каламушларига нисбатан сезиларли даражадаги фарқлар юзага келди (27,5% қисқарди).

5. ХНН (ҳалқаро нормалланган нисбат) кўрсаткичи қийматида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди: ушбу қиймат - 0,95 га тенг бўлиб, назорат гуруҳи ҳайвонларидан 26,3 % га камайганлигини кўришимиз мумкин.

6. Тромбин вақти (ТВ) эса назорат гуруҳи кўрсаткичи (17,8 сек.) дан 28,6% га камайган, яъни 12,7 сонияни ташкил қилганлиги малум бўлди.

7. Плазма фибриногени (ПФ) миқдори аниқланганда назорат гуруҳи каламушларига нисбатан тадқиқот гуруҳи ҳайвонларида – 86,3% га ошганлиги ва 3,39 г/л гача етганлиги кузатилди.

Ушбу ўзгаришлар тадқиқот динамикасида ривожланиб бориб, тажрибавий гипертиреоз чақирилгандан сўнг 7-кунида гемостаз тизимининг барча кўрсаткичлари яққол гиперкоагуляцияни намоён қилди.

Гемостазнинг юқоридаги кўрсаткичлари тадқиқот динамикасида кузатилганда уларнинг 7-кунига келиб назорат гуруҳи ҳамда тадқиқотнинг бошланғич муддати кўрсаткичлари билан таққослаб кўрилганда сезиларли ўзгарганлиги аниқланди:

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси - 10-2 – 14,2 сон. ни ташкил қилиб, бу интакт гуруҳи кўрсаткичлари (18,4 сон.) дан 22,8 %га ва тадқиқотнинг 1-куни (15,2 сон.) дан 6,6% га ва 10-6 – 30,4 сек. бу эса интакт гуруҳидан 22,4%

га (39,2 сон.) ҳамда тадқиқотнинг 1-куни дан 6,7 % (32,6 сон.) га камайганлиги аниқланди.

2. АҚТВ вақти аниқланганда унинг динамикада пасайиб бораётганлиги кузатилди (29,6 сон.) ва у интакт гуруҳи (38,6 сон.) дан 23,3% гача ҳамда тадқиқотнинг 1-куни (33,9 сон.) дан 12,7% гача камайди.

3. Протромбин индекси (ПТИ - 120%) нинг динамикада интакт гуруҳидан 87,5% га ва тадқиқотнинг 1-куни (111%) дан 8,1% ортганлиги кузатилди.

4. Протромбин вақти (ПТВ) эса аксинча, камайиб борганлиги (9,9 сон.) кузатилиб, интакт гуруҳи билан солиштирилганда 30,3% ва тадқиқотнинг 1-кунидан 3,9% гача камлиги аниқланди.

5. ХНН халқаро бирликдаги кўрсаткичи (МНО) 0,91 ХБ ташкил қилди. Бу интакт гуруҳи хайвонларидан 29,4% ва тадқиқотнинг 1-кунидан 4,2% га паст эканлиги аниқланди.

6. ТВ нинг эса тадқиқот динамикасида камайиши кузатилиб (12,2 сон.), интакт гуруҳи хайвонларидан 31,5% га ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан тахминан 3,9% га камайганлиги аниқланди.

7. Плазма фибриногени (ПФ) миқдори эса ортиб бориб, 4,37 г/л га етди. Бу ўз навбатида интакт гуруҳидан 140,1% ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан 28,9% гача юқори эканлигини кўрсатади.

Иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертиреозда фибриноген концентрациясининг ўзгариши динамикаси

Иссиқ ҳарорат таъсирида $42^{\circ}\text{C} \pm 1$ да сақланган хайвонлар гуруҳи қонининг коагуляцион хусусиятларининг ўзгариши 1-кунида қондаги фибриноген миқдори $2,01 \pm 0,22$ г/ л ни ташкил этиб бу атроф-муҳит ҳарорати $17-24^{\circ}\text{C}$ да сақланадиган интакт гуруҳ хайвонларнинг мос келадиган қийматидан 10,4% га ошганлиги билан тавсифланди.

Юқори атроф-муҳитнинг ҳарорати хайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай шароитда юзага келган гипертиреозда

фибриноген концентрацияси $3,39 \pm 0,28$ г/л ни ташкил этди, бу атроф-муҳит ҳароратида $17-24^{\circ}\text{C}$ бўлган гипертироидизм билан касалланган ҳайвонларнинг кўрсаткичларидан 56,2 % ошди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертиреоз ҳолатида қоннинг прокоагуляцион хусусиятларидаги ўзгаришлар динамикаси маълум қизиқиш уйғотади.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари, атроф-муҳитнинг турли хил ҳароратида тажрибавий гипертиреозда гиперкоагуляцияни таъминлайдиган баъзи омиллар шуни кўрсатдики, нормал ҳароратда юзага келган гипертиреоз ҳайвонлар қонининг коагуляция хусусиятидаги ўзгаришлар яни қонда фибриноген миқдори интакт каламушлардаги кўрсаткичдан 19,2% га ошиши билан тавсифланди.

Юқори атроф-муҳит ҳароратидаги тажрибавий гипертиреоз ҳайвонларда фибриноген концентрацияси деярли икки баравар кўпайди.

Фибриноген концентрацияси юқори ҳарорат шароитида бўлган назорат гуруҳ ҳайвонларнинг қийматларидан 68,7% га ва атроф-муҳит ҳарорати $17-24^{\circ}\text{C}$ бўлган интакт гуруҳ ҳайвонларнинг мос келадиган кўрсаткичидан 86,3% га ошди.

Иссиқ ҳарорат таъсирида $42^{\circ}\text{C} \pm 1$ даги гипертиреоз чақирилган ҳайвонлар гуруҳи 7-кунида текширилганда, қонининг коагуляцион хусусиятларининг ўзгариши интакт гуруҳ ҳайвонларга нисбатан қондаги фибриноген миқдорининг ошиши билан тавсифланади (4.1-жадвалга қаранг).

Плазма фибриногени (ПФ) миқдори $42^{\circ}\text{C} \pm 1$ ортиб бориб, 4,37 г/л га етди. Бу ўз навбатида интакт гуруҳидан 140,1% ҳамда тадқиқотнинг 1 - кунидан 28,9% гача юқори эканлигини кўрсатади.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегациясининг ўзгариши динамикаси

Текширувнинг 1-кунида нормал ҳарорат шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегацияси $8,2 \pm 0,6\%$ ни ташкил этди, бу интакт гуруҳ қийматлардан $9,3\%$ юқори.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз ҳайвонлар интакт гуруҳи натижаларидан сезиларли даражада, тегишли қийматидан $17,3\%$ гача ошиши кузатилди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Тромбоцитларнинг спонтан агрегация даражаси фақат асосий интакт гуруҳ қийматларидан $17,3\%$ га ошди. 7-кунида нормал ҳарорат шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегацияси $8,4 \pm 0,6\%$ ни ташкил этди, бу интакт гуруҳ қийматлардан $12,0\%$ юқори.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз ҳайвонларда интакт гуруҳи натижаларидан сезиларли даражада, тегишли қийматидан $22,7\%$ гача ошиши кузатилди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертиреозли ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг бир хиллигини кўрсатади.

Тажрибавий гипертиреознинг ривожланиши, юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида тромбоцитларнинг прокоагуляцион фаоллигининг янада аниқ ўсиши билан тавсифланди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертироид шароитларида қоннинг прокоагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар динамикаси маълум қизиқиш уйғотди.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари, атроф-муҳитнинг ҳар хил ҳароратида тажрибавий гипертиреозда гиперкоагуляцияни таъминлайдиган баъзи омиллар шунини кўрсатдики, оптимал ҳароратда ҳайвонлар қонининг

коагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар қонда тромбоцитлар сонининг кўпайиши билан тавсифланди.

Тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегация даражаси иссиқ иқлим шароитида ривожланган гипертиреоз каламушларда 1-кунда асосий интакт гуруҳ қийматларидан 17,3% га 7-кунда эса 22,7% га ошганлиги кузатилди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитлар индуцирланган агрегациясининг динамикада ўзгариши

Нормал ҳароратда ривожланган тажрибавий гипертиреоз модели олинган каламушлар гуруҳларида 1-кунда АДФ ёрдамида индуцирланганда тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичи $33,2 \pm 2,7\%$ гача сезиларли даражада ошди, яъни интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли қийматидан (26,2%) юқори эди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Шундай қилиб, ушбу ҳайвонлар гуруҳида индуцирланган агрегация атроф-муҳит ҳарорати 17-24°C да келиб чиққан гипертиреозли ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан 53,9% га ошиб кетди ва $51,1 \pm 4,1\%$ ни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертиреозли ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг бир хиллигини кўрсатади.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертиреоз шароитларида қоннинг прокоагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар динамикаси маълум даражада ўзгарганлиги кузатилди.

Тадқиқотларимиз натижалари, нормал ҳароратдаги интакт гуруҳ ҳайвонлар қонининг коагуляцион хусусиятларининг ўзгариши

тромбоцитларнинг агрегация қилиш қобилятининг 26,3% га тенг эканлиги билан тавсифланди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида ривожланган экспериментал гипертиреозда шуни таъкидлаш керакки, тромбоцитларни индуцирланган агрегацияси интакт гуруҳга нисбатан кескин ошди (94,3% га). 7-кунда эса нормал ҳароратда ривожланган тажрибавий гипертиреоз модели олинган каламушлар гуруҳларида $35,2 \pm 2,7\%$ ташкил этиб интакт гуруҳдан 33,8% гача сезиларли даражада ошди.

Юқори атроф-муҳит $42^\circ\text{C} \pm 1$ ҳарорати шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Шундай қилиб, ушбу ҳайвонлар гуруҳида индуцирланган агрегация атроф-муҳит ҳарорати $17-24^\circ\text{C}$ да келиб чиққан гипертиреозли ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан 63,1% га ошиб кетди ва $57,4 \pm 4,3\%$ ни ташкил этди.

Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Экспериментал гипертиреозда қон реалогик ўзгаришларининг динамикада тавсифи

Қон оқимининг силжиш тезлигини ва уни ўрганиш экспериментал гипертиреозда динамик қовушқоқлигини ўрганиш ҳамда қон оқимида қўлланиладиган босимнинг деярли барча қийматларида сезиларли ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди.

Қўлланиладиган деярли барча қийматлар учун қон босими оқими гипертиреоз чақирилган ҳайвонларда 1- кунда нормал ҳароратдаги тажриба ҳайвонлар гуруҳида оқимнинг силжиш тезлиги қўлланиладиган босим миқдори 2 мм бўлган қон сув. $8,97 \pm 0,74 \text{ с}^{-1}$ га ҳамда босим миқдори 16 мм

бўлган қон сув. $101,43 \pm 6,22$ с–1 га тенг эди, бу мос равишда интакт гуруҳ қийматларидан 40,6 % ва 8,03% паст эканлиги кузатилди.

Шунга кўра, чизикли тезлиги ўзгарди ва қоннинг динамик ёпишқоқлиги ошди. Босим 2 мм сув.да қоннинг ёпишқоқлик 34,5% га $11,58 \pm 1,04$, 16 мм сувда эса қоннинг динамик ёпишқоқлики 25,2% га ошди ва $2,93 \pm 0,13$ ўзгарганлиги кузатилди.

Тажрибавий гипертиреоз олинган каламушларда 7-кунида қоннинг реологик хусусиятларининг ўрганилган параметрларини бузулиши ёмонлашишда давом этди.

Минимал босим қийматларини қўллашда чизикли тезлиги $7,21 \pm 0,41$ с–1 га тенг ва максимал қийматларда — $97,69 \pm 5,68$ с-1, мос равишда 52,2% ва 11,4 % тегишли қийматлардан камайганлиги кузатилди. Қоннинг динамик ёпишқоқлиги бузилиши ҳам ёмонлашишда давом этди.

Иссиқ иқлим шароитида сақланган назорат гуруҳ каламушларда қоннинг хусусиятлари. 1-куни 2 мм сув босими қўлланилганда қоннинг чизикли тезлиги $9,06 \pm 0,73$ с-1 ни ташкил этди, бу интакт ҳайвонлар гуруҳи қийматларидан 39,9% пастлиги, қоннинг ёпишқоқлики эса $11,39 \pm 1,27$ ташкил этиб 32,2% га ортганлики кузатилди. 16 мм сувда эса чизикли тезлиги 5,5% га пасайиб $104,27 \pm 6,78$ с–1ни динамик ёпишқоқлик 6,4% га ошиб $2,49 \pm 0,15$ га ўзгарганлики кузатилди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз ҳайвонларда эксперимент модели олингандан сўнг кейинги даврлари реологик бузилишларнинг ривожланиши билан тавсифланди. 1-куни 2 мм сув.уст. босими қўлланилганда қоннинг чизикли тезлиги $5,22 \pm 0,35$ с-1 ни ташкил этди,

бу интакт ҳайвонлар гуруҳи қийматларидан 65,4% паст.

Динамик ёпишқоқлик кўрсаткичлари 66,9% га ошди ва минимал қийматлар зонасида $14,37 \pm 1,41$ ни ташкил этди.

Қон оқимида қўлланиладиган босим 16 мм сув босими қўлланилганда динамик ёпишқоқлик 65,8% га ошди ва $3,88 \pm 0,21$ ни ташкил этди.

Қоннинг чизиқли тезлиги эса $91,27 \pm 5,22$ ни ташкил этиб 17,2% паст. Иссиқ иқлим шароитида ривожланган гипертиреоз ҳамда юқори ҳароратга сақланган назорат гуруҳ ҳайвонлар гуруҳи билан солиштирилганда 7-куни 2 мм сув.уст. босими қўлланилганда қоннинг чизиқли тезлиги $4.06 \pm 0,30$ с-1 ни ташкил этди, бу интакт ҳайвонлар гуруҳи қийматларидан 73,1% га, юқори ҳароратга сақланган назорат гуруҳ ҳайвонлар гуруҳидан 45.0% га паст эканлиги кузатилди.

Динамик ёпишқоқлик кўрсаткичлари эса 76,3% ва 26,9% га ошди ва минимал қийматлар зонасида $15,18 \pm 1,43$ ни ташкил этди.

Қон оқимиға 16 мм сув.уст. босими қўлланилганда қоннинг чизиқли тезлиги $83,39 \pm 5,07$ с-1 ни ташкил этди, бу интакт ҳайвонлар гуруҳи қийматларидан 24.4% га, юқори ҳароратга сақланган назорат гуруҳ ҳайвонлар гуруҳидан 16,1% паст эканлиги кузатилди.

Динамик ёпишқоқлик кўрсаткичлари эса 80,3% ва 63,6% га ошди ва минимал қийматлар зонасида $4,22 \pm 0,24$ ни ташкил этди. Шунга ўхшаш касалликлар қоннинг динамик ёпишқоқлигини ўрганишда аниқланди.

Олинган натижалар қон оқимиға қўлланиладиган босимнинг паст қийматларида қоннинг реологик параметрларининг устувор бузилишини кўрсатади.

Қўлланишнинг паст қийматлари зоналари юракдан узоқлашганда қўшимчалар кўпаяди ва гидродинамик бўлган қон томир ўзани қисмларида қон оқимининг қийинлашиши кузатилади ҳамда қон томир ўзанининг периферик қаршилиги ошиши билан кечади.

Ушбу соҳаларда реологик параметрлар кўплаб ўзаро таъсир қилувчи метаболик, нейрогуморал омиллар ва функционал омиллар билан белгиланадиган жараёнлар кузатилишига сабаб бўлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иссиқ иқлим шароитига гипертиреоз касаллики қон реологик хусусиятларининг бузилиши кузатилади.

Қоннинг реологик хусусиятларидаги ўзгаришларнинг умумий табиати қалқонсимон беи гиперфункцияси ички органлар ва тўқималарни патологик жараёнга жалб қилишнинг, яъни полиорган етишмовчилигининг муҳим сабабларидан бирига айланади.

Қоннинг реологик хусусиятларининг ўзгаришининг бундай динамикаси газлар алмашинувининг бузилишини кучайтиради. Қон қовушқоқлигининг ошиши билан боғлиқ ҳолда, қон оқими чизикли тезлигининг секинлашиши токсик метаболитларнинг тўпланишини, бу эса организмнинг интоксикациясини оширади.

ХОТИМА

Қалқонсимон без органлар ва тизимларнинг функционал ҳолатини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

Қалқонсимон без функциясидаги ўзгаришлар гематологик касалликлар, репродуктив системаси, юрак-қон томир, нейропсихиатрик, гастроэнтерологик, касалликлари ва баъзи иммунопатологик жараёнларнинг бузулишини келтириб чиқариши мумкин [52; 144-б.].

Гипертиреоз — қалқонсимон без фаолиятининг ортиб кетиши натижасида тиреоид гормонлар (тироксин ва трийодтиронин) меъёрдан кўп ишлаб чиқарилиши билан характерланадиган эндокрин касалликдир.

У аҳоли орасида нисбатан кам учрайди, аммо клиник аҳамияти жуда юқори ҳисобланади. Жаҳон статистик маълумотларига кўра, гипертиреоз умумий аҳолининг тахминан 0,5–2 фоизида учрайди. Яширин, яъни субклиник гипертиреоз эса 2–3 фоизгача бўлиши мумкин.

Гипертиреоз аёллар орасида эркакларга нисбатан анча кўп тарқалган бўлиб, аёлларда учраш даражаси 5–10 марта юқори ҳисобланади. Бу ҳолат, асосан, аутоиммун жараёнлар аёл организмида кўпроқ ривожланиши билан боғлиқ.

Касаллик кўпинча 20–50 ёш оралиғида кузатилади, аммо болалар ва ўсмирларда ҳам учраши мумкин. Қарияларда гипертиреоз белгиларининг ноаниқ бўлиши сабабли у кеч аниқланади ва кўпинча юрак ритмининг бузилиши ёки кескин озиш билан намоён бўлади.

Гипертиреознинг тарқалиши географик ҳудудга ҳам боғлиқ. Йод етишмовчилиги мавжуд бўлган минтақаларда токсик тугунли зоб ва кўп тугунли зоб билан боғлиқ гипертиреоз кўпроқ учрайди.

Йод етарли бўлган ҳудудларда эса асосий сабаб сифатида Грейвс касаллиги устунлик қилади. Ривожланаётган мамлакатларда тугунли зоб билан боғлиқ гипертиреоз шакллари нисбатан кенг тарқалган.

Сабабларга кўра қаралганда, гипертиреоз ҳолатларининг тахминан 60–80 фоизи Грейвс касаллиги ҳиссасига тўғри келади. 10–30 фоизи токсик

тугунли ёки кўп тугунли зоб билан боғлиқ бўлиб, қолган қисми тиреоидитлар, дориларни нотўғри қабул қилиш ёки тиреоид гормонларни ортиқча истеъмол қилиш натижасида ривожланади. Хавф гуруҳига асосан аёллар, оилавий мойилликка эга шахслар, аутоиммун касалликлари бор одамлар, ҳомиладорликдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда йод баланси бузилган ҳудуд аҳолиси киради.

Хулоса қилиб айтганда, гипертиреоз аҳолида кенг тарқалмаган бўлса-да, унинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти жуда каттадир. Эрта ташхис қўйиш ва ўз вақтида даволаш орқали касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш мумкин.

Гипотиреоз ҳамда гипертиреоз касалликлари энг кенг тарқалган эндокрин патологиялардан бири бўлиб, қалқонсимон без гормонлари (три ёдтиронин ва тироксин) етишмовчилиги, ортиқча миқдорда синтезланиши ҳамда гипофизнинг қалқонсимон безини фаолиятини стимуляция қилувчи гормон ТТГ даражасининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиغان морфологик ва клиник касалликларнинг кенг асоси ҳисобланади [31; 61-75-б.].

Статистик маълумотларга қараганда гипертиреоз билан оғриган беморлар орасида ўлим даражаси бирмунча юқори ҳисобланади [34; 31-34-б.].

Шу билан бирга, ўлимнинг асосий сабаблари, юрак-қон томир тизимининг патологиялари ҳисобланади [36; 8791-б.].

Бугунги кунга келиб, гипертиреоз ва унинг асоратлари ривожланишидаги кўплаб омилларнинг таъсири ўрганилган бўлсада лекин иқлим омилларининг, яни атроф-муҳит ҳароратининг гипертиреоз ва унинг асоратларининг ривожланишидаги роли, айниқса микроциркуляцияга ва қоннинг реологик хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкинлиги тўлиқ ўрганилмаган [33; 71-73-б.].

Келтирилган қоидаларга асосланиб, тадқиқотнинг мақсади гормонал мувозанатнинг бузилишларини, қоннинг реологик хусусиятларини, спонтан ва индуцирланган тромбоцитлар агрегациясини, шунингдек, иссиқ иқлим

шароитида экспериментал гипертиреозда қон шаклий элементлари сонини ўрганиш эди.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, атроф - муҳит хароратининг табиати экспериментал гипертиреоз ривожланишидаги гормонал силжишлар табиатига сезиларли таъсир қилади.

Гемостаз - бу инсон танасида қон оқимининг яхлитлигини сақлайдиган муҳим жараён.

Ушбу жараёнга бир томондан гемостатик тромб шаклланиши (бирламчи гемостаз) ва тромбин ҳосил бўлиши (иккиламчи гемостаз) ва бошқа томондан фибринолитик тизим ўртасидаги мувозанат орқали қон томирларининг ўтказувчанлигини сақлаш орқали эришилади [65; 262-б., 118; 3038-б.].

Гемостаз тизимининг фаоллаштирувчилари ва ингибиторлари ўртасидаги мувозанатнинг бузулиши қон кетишига ёки патологик тромбозга олиб келиши мумкин.

Артериал ёки веноз томирлар тромбозига мойилликнинг ошиши, касалланиш ва ўлим хавфининг ортишига олиб келади.

Қалқонсимон без дисфункцияси субклиник лаборатория бузилишларидан клиник қон кетиш ва тромбоэмболизмгача коагуляция аномалликлари бўйича қарама-қарши илмий тадқиқотларда ўрганилган. Ушбу ҳисоботда гипертироидизмдаги гемостатик ўзгаришлар ҳақида шарҳ берилган.

Қалқонсимон безнинг функционал фаоллигининг ошиши ёки пасайиши гематопозтик органларнинг ўзгаришига олиб келади [41; 88-б.].

Қалқонсимон без ва коагуляцион касалликлар бўйича дастлабки маълумотлар ўтган аср биринчи ярмида тиреотоксикоз ва мия веноз тромбози ўртасидаги боғлиқлик ҳақида хабар берилган.

Бир нечта ҳолатларда гипертироидизм ва мия веноз тромбози бўлган шахслар тасвирланган.

Кўпгина илмий тадқиқотлар гипертироидизмда гиперкоагуляцион ҳолат ва гипофибринолизни юзага келиши аниқланди.

Гипертироидизм билан оғриган беморларда тромбоэмболик асоратларни ривожланиш тенденцияси кузатилади, асосий эмболия тиреотоксикоздан вафот этган беморларда ўлимнинг 18% гачасини ташкил этади.

Гипертироидизм ва қалқонсимон без гормонларининг кўплиги гиперкоагуляция ҳолати билан боғлиқ ва бу гипертироидизм веноз тромбоэмболизм учун хавф омили деб ҳисобланиши мумкин деган фаразга олиб келди.

Гипотиреознинг гемостазга таъсири мунозарали, шунинг учун илгари ўтказилган кўпгина тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, қалқонсимон безнинг гипофункцияси гипо - ёки гиперкоагуляцион ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо қалқонсимон без касаллиги ва гематологик аномалиялар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар ва бу боғланишлар ортидаги механизмлар чалкаш ва қарама-қаршидир [127; 48-б., 128; 219-221-б., 130; 479-484-б.].

Қалқонсимон без гормонлари кўплаб физиологик жараёнларнинг кучли воситачисидир ва уларнинг миқдорининг нормада бўлмаслиги коагуляция каскадидаги турли босқичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қалқонсимон без касалликлари ва коагуляция аномалликлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг дастлабки йилларига тўғри келади.

Тромбоцитлар нафақат бирламчи қон томир тромбоцитлари гемостазида ва плазма фактори, яллиғланиш, ангиогенезнинг плазма реакцияларида муҳим ўрин тутди, балки иммунитет тизимининг фаолиятида ҳам иштирок этади [139; 286-294-б.].

Тромбоцитларнинг фаоллашиши ҳимоя гемостаз ва патологик тромбозда асосий рол ўйнайди [122; 2721-2727-б.].

Иссиқ иқлим шароитида $42^{\circ}\text{C} \pm 1$ дан юқори ҳарорат таъсирида ривожланган тажтибавий гипертиреознинг 1-кунида гемостаз тизимининг кўрсаткичлари интакт ҳамда назорат гуруҳи ҳайвонлари билан таққослаб

кўрилганда сезиларли ўзгаришлар кузатилиб, параметрлар гиперкоагуляция томон ўзгараётганлигини кўриш мумкин:

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси кўрсаткичлари:

мос равишда шу муддатдаги назорат гуруҳи ҳайвонларидан 17,4% ва 16,8% ларга қисқарганлиги малум бўлди.

2. АҚТВ индекси плазма омиллари (I, V, VIII, IX, X, XI, XI ва фибриноген) концентрациясига боғлиқ қон коагуляциясининг ички омиллари самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

У назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан – 12,2 % га қисқарганлиги аниқланди.

3. ПТИ (111%) тадқиқот гуруҳида назорат гуруҳи ҳайвонларига солиштирилганда 73,4 % гача ортганлигини кўришимиз мумкин.

4. Қон ивиш реакцияларининг бутун каскадини тезда баҳолашга имкон берадиган ПТВ кўрсаткичи тадқиқот ҳайвонларида назорат гуруҳи каламушларига нисбатан сезиларли даражадаги фарқлар юзага келди (27,5% қисқарди).

5. ХНН (халқаро нормалланган нисбат) кўрсаткичи қийматида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди: назорат гуруҳи ҳайвонларидан 26,3 % га камайганлигини кўришимиз мумкин.

6. Тромбин вақти (ТВ) эса назорат гуруҳи кўрсаткичи (17,8 сек.) дан 28,6% га камайган, яъни 12,7 сонияни ташкил қилганлиги малум бўлди.

7. Плазма фибриногени (ПФ) миқдори аниқланганда назорат гуруҳи каламушларига нисбатан тадқиқот гуруҳи ҳайвонларида – 86,3% га ошганлиги ва 3,39 г/л гача етганлиги кузатилди.

Ушбу ўзгаришлар тадқиқот динамикасида ривожланиб бориб, тажрибавий гипертиреоз чақирилгандан сўнг 7 - кунда гемостаз тизимининг барча кўрсаткичлари яққол гиперкоагуляцияни намоён қилди.

Гемостазнинг юқоридаги кўрсаткичлари тадқиқот динамикасида кузатилганда уларнинг 7 - кунига келиб назорат гуруҳи ҳамда тадқиқотнинг

бошланғич муддати кўрсаткичлари билан таққослаб кўрилганда сезиларли ўзгарганлиги аниқланди:

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси - 10-2 – 14,2 сон. ни ташкил қилиб, бу интакт гуруҳи кўрсаткичлари (18,4 сон.) дан 22,8 %га ва тадқиқотнинг 1 - куни (15,2 сон.) дан 6,6% га ва 10-6 – 30,4 сек. бу эса интакт гуруҳидан 22,4% га (39,2 сон.) ҳамда тадқиқотнинг 1 - куни дан 6,7 % (32,6 сон.) га камайганлиги аниқланди.

2. АҚТВ вақти аниқланганда унинг динамикада пасайиб бораётганлиги кузатилди ва у интакт гуруҳидан 23,3% гача ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан 12,7% гача камайди.

3. Протромбин индекси (ПТИ - 120%) нинг динамикада интакт гуруҳидан 87,5% га ва тадқиқотнинг 1-куни (111%) дан 8,1% ортганлиги кузатилди.

4. Протромбин вақти (ПТВ) эса аксинча, камайиб борганлиги (9,9 сон.) кузатилиб, интакт гуруҳи билан солиштирилганда 30,3% ва тадқиқотнинг 1 - кунидан 3,9% гача камлиги аниқланди.

5. ХНН халқаро бирликдаги кўрсаткичи (МНО) 0,91 ХБ ташкил қилди. Бу интакт гуруҳи хайвонларидан 29,4% ва тадқиқотнинг 1-кунидан 4,2% га паст эканлиги аниқланди.

6. ТВ нинг эса тадқиқот динамикасида камайиши кузатилиб (12,2 сон.), интакт гуруҳи хайвонларидан 31,5% га ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан тахминан 3,9% га камайганлиги аниқланди.

7. Плазма фибриногени (ПФ) миқдори эса ортиб бориб, 4,37 г/л га етди. Бу ўз навбатида интакт гуруҳидан 140,1% ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан 28,9% гача юқори эканлигини кўрсатади. Қалқонсимон без ва коагуляцион касалликлар бўйича дастлабки маълумотлар ўтган аср биринчи ярмида тиреотоксикоз ва мия веноз тромбози ўртасидаги боғлиқлик ҳақида хабар берилган.

Гипертиреозда қоннинг шаклий элементлари сони ошиши қалқонсимон без гормонларининг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида организмда

моддалар алмашинуви ва қон яратилиш жараёнларининг жадаллашуви билан боғлиқ бўлади.

Гипертиреоз ҳолатида эритропоз фаоллашади, яъни суяк илигида қон ҳосил бўлиши кучаяди. Шу сабабли айрим беморларда эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори ошиши кузатилиши мумкин. Бу тўқималарда кислородга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан изоҳланади, чунки тиреоид гормонлар организмда энергия сарфини оширади.

Лейкоцитлар сони ҳам баъзи ҳолатларда кўпайиши мумкин. Бу организмнинг юқори функционал ҳолати ва симпатик-адренал тизим фаоллигининг ошиши билан боғлиқ. Айниқса, нейтрофил лейкоцитлар сонининг нисбий ошиши қайд этилиши мумкин.

Тромбоцитлар сони гипертиреозда одатда меъёрга бўлади, аммо қон яратилиш жараёнларининг умумий фаоллашуви натижасида айрим ҳолларда уларнинг сони ҳам бироз ошиши мумкин. Бу қон ивиш тизимининг фаоллашувига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, гипертиреозда қоннинг шаклий элементлари сонининг ошиши организмнинг умумий қўзғалган ҳолати ва алмашинув жараёнларининг жадаллашуви билан боғлиқ бўлиб, асосий касаллик назоратга олинганда бу кўрсаткичлар одатда меъёрга қайтади.

Бир нечта ҳолатларда гипертироидизм ва мия веноз тромбози бўлган шахслар тасвирланган.

Кўпгина илмий тадқиқотлар гипертироидизмда гиперкоагуляцион ҳолат ва гипофибринолизни юзага келиши аниқланди.

Гипертироидизм билан оғриган беморларда тромбоэмболик асоратларни ривожланиш тенденцияси кузатилади, асосий эмболия тиреотоксикоздан вафот этган беморларда ўлимнинг 18% гачасини ташкил этади.

Гипертироидизм ва қалқонсимон без гормонларининг кўплиги гиперкоагуляция ҳолати билан боғлиқ ва бу гипертироидизм веноз

тромбоэмболизм учун хавф омили деб ҳисобланиши мумкин деган фаразга олиб келди.

Гипотиреознинг гемостазга таъсири мунозарали, шунинг учун илгари ўтказилган кўпгина тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, қалқонсимон безнинг гипофункцияси гипо - ёки гиперкоагуляцион ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо қалқонсимон без касаллиги ва гематологик аномалиялар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар ва бу боғланишлар ортидаги механизмлар чалкаш ва қарама-қаршидир [127; 48-б., 128; 219-221-б., 130; 479-484-б.].

Қалқонсимон без гормонлари кўплаб физиологик жараёнларнинг кучли воситачисидир ва уларнинг миқдорининг нормада бўлмаслиги коагуляция каскадидаги турли босқичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қалқонсимон без касалликлари ва коагуляция аномалликлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг дастлабки йилларига тўғри келади.

Тромбоцитлар нафақат бирламчи қон томир тромбоцитлари гемостазида ва плазма фактори, яллиғланиш, ангиогенезнинг плазма реакцияларида муҳим ўрин тутаяди, балки иммунитет тизимининг фаолиятида ҳам иштирок этади [139; 286-294-б.].

Тромбоцитларнинг фаоллашиши ҳимоя гемостаз ва патологик тромбозда асосий рол ўйнайди [122; 2721-2727-б.].

Акушерликда тромбогеморрагик характердаги қон ивишининг бузилиши ҳомиладорлик жараёнининг кўплаб асоратлари билан ривожланади, улар томир ичи қон ивишининг патологик фаоллашуви жараёнларига, қон гемостазиологик функцияларининг декомпенсациясининг одатий кўринишларига асосланган бўлиб, улар туғруқ пайтида амалга оширилиши мумкин.

Гемостазиологик функциялар бузилишларининг тромботик намоён бўлиши, қоида тариқасида, клиникадан олдинги кичик белгиларга эга ва гемореологик бузилишларнинг табиати ҳомиладорликнинг ривожланиши

фонида ривожланадиган ва уларга таъсир қиладиган гемостаз тизимидаги адаптив ўзгаришларнинг хусусиятлари туфайли ҳомиладорлик асоратлари ҳар доим ҳам бир ҳил бўлмаслиги мумкин [12; 233-б.].

Акушерликда тромбогеморрагик характердаги қон ивишининг бузилиши ҳомиладорлик жараёнининг кўплаб асоратлари билан ривожланади, улар томир ичи қон ивишининг патологик фаоллашуви жараёнларига, қон гемостазиологик функцияларининг декомпенсациясининг одатий кўринишларига асосланган бўлиб, улар туғруқ пайтида амалга оширилиши мумкин.

Гемостазиологик функциялар бузилишларининг тромботик намоён бўлиши, қоида тариқасида, клиникадан олдинги кичик белгиларга эга ва гемореологик бузилишларнинг табиати ҳомиладорликнинг ривожланиши фонида ривожланадиган ва уларга таъсир қиладиган гемостаз тизимидаги адаптив ўзгаришларнинг хусусиятлари туфайли ҳомиладорлик асоратлари ҳар доим ҳам бир ҳил бўлмаслиги мумкин [12; 233-б.].

Ҳомиладорликда прокоагуляцион омиллар концентрациясининг оксиллар миқдорининг ошиши, антикоагулянтлари ва фибринолиз концентрациясининг пасайиши туфайли гиперкоагуляцион ҳолат сифатида қаралади.

Ҳомиладор аёлларда Аутоиммун гипертиреоз (АИГ) касалликлари мавжуд бўлганда гормонал ва метабolik касалликларнинг ривожланиши турли органлар ва системаларнинг ҳолатига, шу жумладан гемостаз тизимининг ҳолатига бевосита таъсир қилади [14; 47-52-б.].

Кўпинча ҳомиладор аёлларда АИГ фонида гипергомосистеинемия (ГГТ) кузатилади.

Гомосистеин токсиклигининг биокимёвий механизмларини ўрганган бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, коагуляцион каскаднинг таркибий қисмларига гомосистеиннинг зарарли таъсири ушбу таъсирнинг концентрацияси ва давомийлигига мутаносиб равишда ошади [37; 188-199-б.].

ГГТ нинг қон томир эндотелий ва тромбозга салбий таъсири ҳомиладорликнинг бир қатор асоратларини ривожланишига олиб келади. Ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида йўлдошнинг кўчишига олиб келиши мумкин, ҳомила қон айланишининг бузилиши ва ҳомила ривожланишининг тўхташига олиб келади; кейинчалик сурункали плацента етишмовчилигининг сабаби бўлиши мумкин, бу сурункали гипоксия ва ҳомилага озуқа моддаларнинг етишмаслигига, кам вазнли болаларнинг туғилишига, нормал жойлашган плацентанинг эрта ажралишига олиб келади.

ГГТ фонида АИГ билан касалланган ҳомиладор аёллар профилактикаси ва даволашнинг патогенетик асосланган усуллари ишлаб чиқиш АИГ асоратларини камайтиради.

Одамларда гипертиреоз коагуляцион-фибринолитик мувозанатни ўзгартиради, бу тромбоэмболизм (ТЭ) хавфини оширадиган гиперкоагуляцион ҳолатни яратади. Одамларда эркин тироксин миқдорининг юқори концентрацияси билан веноз тромбоз хавфи ортади [45; 47-56-б.]. Гипертиреоз одамларда гиперкоагуляцион ҳолатни келтириб чиқарадиган механизмлар гемостазнинг барча босқичларини ўз ичига олади.

Бирламчи гемостаз тромбоцитларнинг субэндотелийга ёпишишини таъминлайдиган фактор Виллебранд омили (vWF) концентрациясининг ошиши билан кучаяди.

Гипертиреоз, шунингдек, VIII омил, IX омил ва фибриноген каби коагуляцион оқсилларнинг кўпайиши билан иккиламчи гемостатик функцияни кучайтиради [65; 262-б.].

Бундан ташқари, плазминоген активатор ингибитори концентрациясининг ошиши натижасида фибринолиз бузилади ва ниҳоят, гипертиреоз эндотелиал дисфункцияга олиб келади, бу одамларда гиперкоагуляцион ҳолатнинг юзага келишига ҳисса қўшади.

Маълумки, қалқонсимон без гормонларининг ортиқча токсик таъсири оксидланиш - фосфорилланиш жараёнларининг бузилишига, миокарднинг энергия имкониятларининг ўзгаришига, унинг кислородга бўлган талабининг

ошишига ва охир-оқибат миокарднинг қўзғалувчанлик функциясининг бузилишига ва қон айланиш етишмовчилигининг ривожланишига олиб келади [37; 76-б.].

Бир вақтнинг ўзида қайд этилган базал метаболизмнинг ошиши миокарддаги юкламанинг ошишига ва гемодинамиканинг бузилишига сезиларли ҳисса қўшади [80; 3704-3720-б.].

Тиреотоксикоз ҳолатларининг 60-80 фоизи Гравес касаллиги билан боғлиқ. Бу титроқ, гиперактивлик, тез юрак уриши, тахикардия, вазн йўқотиш билан намоён бўлади.

Баъзи ҳолларда кўнгил айланиши, қусиш, қорин оғриғи ва ичак моторикасининг ўзгариши кузатилиши мумкин [105; 107-б.], ошқозон-ичак трактининг айрим кўринишларидир [38; 8-б., 39; 193-208-б., 68; 203-214-б., 90; 499-507-б., 93; 3-13-б., 94; 825-839-б.].

Тажрибавий гипертиреоздаги бундай ўзгаришлар билан бир вақтда, қон шаклий элементлари сонида сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, атроф-муҳитнинг нормал ва юқори ҳароратида тажрибавий гипертиреоздаги барча қон шаклий элементлари сонининг кўпайиши билан тавсифланди.

Юқори ҳароратда уларнинг ўсиш даражаси сезиларли даражада юқори эканлиги кузатилди. Ушбу шаклий элементлар орасида тромбоцитлар сони кўпроқ кўпайди.

Тажрибавий гипертиреозда қон шаклий элементлари сонининг бундай ўзгариши қуйидагилар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

- қоннинг қуюқлашиши мумкин;

тромбоцитлар сонининг кўпайишидан, л-тироксиннинг тромбоцитопоезни цитимуллаши ҳисобига.

Таъкидлаб ўтиш керакки, бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра [12; 233-б.], гипертиреозда гиперкоагуляция ҳолати кузатилиши мумкин.

Гипертиреоз билан касалланган беморларда юрак-қон томир асоратларининг юқори хавфи нафақат миокардга тиреотоксик таъсир, балки комбинацияланган гемостатик касалликлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда қалқонсимон без патологияси бўлган беморларда гемостаз тизимидаги бузилишлар масалалари адабиётларда фаол муҳокама қилинмоқда. Гипертиреоз фонида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан ўлим даражаси ошди [48; 149-163-б.].

Қалқонсимон без касалликларида қон томирларининг юқори ўлимига асосланган механизмлар тушунарсиз бўлиб қолмоқда [44; 60-б.].

Гипертиреоз билан касалланган беморларда кузатиладиган турли хил коагуляцион ҳамда фибринолиз жараёнларнинг бузулиши ҳолатлари клиник жиҳатдан муҳим ҳисобланиб; коагуляция бузилишларига, қон кетишига ва тромбоемболизмга сабаб бўлиши мумкин [84; 1-б., 89; 1-б., 101; 426-429-б., 122; 2721-2727-б.].

Баъзи муаллифлар ТТГ даражасининг пасайиши плазма фибриноген даражасининг кўтарилиши учун мустақил хавф омили эканлигини кўрсатди. Гипертиреоз касалликида кўпчилик ҳолларда қон ивишининг кучайиши ва фибринолитик фаолликнинг пасайиши кузатилиши мумкин [41; 88-б.], аммо беморларда гиперфибринолитик реакциялар ҳам бўлиши мумкин [58; 203-210-б.], бу одатда юрак-қон томир касалликларига салбий таъсир қилади.

Қалқонсимон без гормонларининг ортиқча токсик таъсири оксидловчи фосфорилланиш жараёнларининг бузилишига, миокарднинг энергия имкониятларининг ўзгаришига, унинг кислородга бўлган талабининг ошишига ва охир-оқибат миокарднинг қўзғалувчанлик функциясининг бузилишига олиб келади ва қон айланиш етишмовчилигининг ривожланиши кузатилади [109; 129-133-б.].

Бу ҳолда қайд этилган базал метаболизмнинг ошиши миокарддаги юкламанинг ошишига ва гемодинамиканинг бузилишига сезиларли ҳисса қўшади [97; 103-б.].

Маълумки, гемостазни ва шу билан коагуляция тизимининг ҳолатини ва қоннинг ёпишқоқлигини сақлашда бир қатор омиллар, шу жумладан фибриноген, тромбоцитлар ва уларнинг хусусиятлари муҳим рол ўйнайди.

Гипертироидизмда реологик хусусиятлар ва қон ивиши ҳақидаги маълумотлар жуда зиддиятли.

Гипертироидизм қоннинг антикоагулянт ва фибринолитик боғланишларининг депрессияси ва фибриноген даражасининг ошиши сабабли қон ивишининг кучайиши билан тавсифланади.

Бошқа муаллифлар қалқонсимон без гормонларининг тромбопоезга тормозловчи таъсири натижасида қон ивиш фаоллигининг пасайишини аниқладилар ва бу тромбоцитлар мембранасининг липид таркибидаги ўзгаришлар ҳисобига кузатилади.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертироид шароитида қоннинг прокоагуляция хусусиятларининг ўзгариши динамикаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

Атроф-муҳитнинг турли ҳароратида экспериментал гипертиреозда гиперкоагуляцияни таъминловчи баъзи омиллар бўйича тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики;

Тажрибанинг 7-кунида оптимал ҳароратда ҳайвон қонининг коагуляцион хусусиятларининг ўзгариши қондаги фибриноген миқдорининг 23.6 % ва тромбоцитлар 36,3% га ошиши билан тавсифланади.

Индукцияланган тромбоцитларни агрегация қобилияти ҳам 33,8% га ошади. Спонтан тромбоцитлар агрегацияси жуда юқори сезиларли даражада ўзгармайди. Тажрибавий гипертиреозда атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати фибриноген концентрациясини деярли икки баравар оширади.

Шуни таъкидлаш керакки, спонтан тромбоцитлар агрегациясининг бироз ўзгарган унинг индукцияланган агрегацияси иссиқ иқлим таъсирида ривожланган гипертиреозда тажрибанинг 7- кунида нормал ҳароратдагидан кескин ошади (63,1% га).

Фибриноген концентрацияси тажрибанинг 7- кунда юқори ҳарорат шароитида интакт ҳайвонларнинг қийматларидан 140,1% га ошди, бу 17-24 °C атроф-муҳит ҳароратида гипертирозидизм билан касалланган ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан эса 94,2% га ошди.

Шунингдек, тромбоцитлар сони мос равишда 91% ва 40,1% га сезиларли даражада ошди.

Спонтан тромбоцитлар агрегацияси даражаси фақат асосий интакт гуруҳ қийматларидан 22,7% га сезиларли даражада ошди. Индуцирланган агрегация даражаси барча ўрганилган гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари ТТГ ва қалқонсимон гормонлар таркибидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини, шаклланган қон шаклий элементларининг таркибини ва атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертирозли ҳайвонларда гемостатик реакцияларнинг гетерогенлигини кўрсатади.

Атроф муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида тажрибавий гипертирознинг ривожланиши қондаги, тромбоцитлар таркибининг сезиларли даражада ошиши ва тромбоцитларнинг прокоагуляция фаоллигининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланади.

Қалқонсимон беzi гормонларини сезиш учун деярли барча органларда рецепторлар мавжуд ва шу сабабли улар қалқонсимон без томонидан маълум бир тартибга солувчи таъсирга учрайди [83; 65-92-б.].

Қалқонсимон безининг T_4 ва T_3 гормонлари қалқонсимон безнинг фолликуляр хужайралари томонидан ишлаб чиқарилади ҳамда уларнинг фаолияти асосан қалқонсимон безни бошқарувчи гипофиз беzi гормони (ТТГ) томонидан бошқарилади.

ТТГ гипофиз безидан ажралиб чиқади ва гипоталамус томонидан синтеzlаниб чиқариладиган тиротропинни ситимулловчи гормон (ТСГ) билан тартибга солинади [42; 279-284-б., 83; 65-92-б.].

Ушбу гормонлар орасидаги концентрацияси ва функцияларини маълум даражада ушлаб туришга имкон берадиган яқин тартибга солиш алоқаси (гипоталамус-гипофиз-тироид тизими) мавжуддир.

Манфий тескари алоқа механизмлари бўйича T_4 концентрациясининг пасайиши билан гипофиз ва гипоталамус фаоллашади ва T_4 ва T_3 даражасининг ошиши билан ушбу органларнинг фаолияти бошқарилади. Қалқонсимон безида чиқарилган гормонларнинг тахминан 90% тироксин (T_4), қолган 10 % и – триёдитиронин (T_3) ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда T_3 гормони T_4 га қараганда 20 баравар фаолроқ бўлиб, T_3 ни қалқонсимон безнинг биологик фаол гормонига айлантиради. T_3 нинг катта қисми T_4 нинг ферментлари натижасида периферик равишда ҳосил бўлади.

Ушбу ферментлар, шунингдек, ТГ ни тироид гормонлари метаболизмининг якуний маҳсулоти сифатида қараладиган тескари T_3 (rT_3) ва 3,3-диёдитиронин (T_2) каби фаол бўлмаган изомерларга айлантириш учун жавобгардир. Турли функцияларга эга бўлган ферментларнинг уч тури мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир: 1 - тип (D_1) - ҳужайра мембранасида локализация қилинган ва жигарда, қалқонсимон без ҳамда буйракларда кузатилган; бу фермент асосан T_4 нинг T_3 га периферик айланиши учун жавобгардир; 2-тоифа (D_2) - D_1 га қараганда самаралироқ деб ҳисобланади асосий роли T_4 ни T_3 га, айниқса мия, гипофиз ва скелет мушакларида айлантириш орқали T_3 нинг ҳужайра ичидаги концентрациясини тартибга солишдан иборат; 3-тоифа (D_3) - қалқонсимон беги гормонларини қайтариб бўлмайдиган даражада инактивация қилади ва уларнинг метаболик маҳсулотларини- T_2 ёки rT_3 ҳосил қилади, шу орқали ушбу гормонлар миқдорини пасайтиради.

Шундай қилиб, T_3 қалқонсимон без фаолиятининг муҳим регулятори ҳисобланади. Бундан ташқари, тироид гормонлар қон плазмасининг транспорт оқсиллари билан боғланмаганида энг фаол бўлади.

Транспорт оқсил молекулалари билан боғланганда сўнг, ТГ (тироксин боғловчи глобулин) уларнинг функционал фаоллигини сезиларли даражада

йўкотади. Шу сабабли ТГ боғловчи оксил (тироксин боғловчи глобулин) даражасидаги ўзгаришлар ТГ нинг периферик фаоллигини ўзгартириши мумкин [92; 10-17-б.].

Ўз вазифаларини бажариш учун ТГ инсон танасининг деярли барча периферик органларида жойлашган қалқонсимон гормон рецепторлари (тироид рецепторлари (Tr)) билан боғланиши керак бўлади.

Ушбу рецепторлар хужайра ичидаги ДНКни боғлайдиган оксиллардир.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида экспериментал гипертиреознинг ривожланиши ўрганилган гормонлар таркибининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланади.

Текширувнинг 1-кунида нормал ҳарорат шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегацияси $8,2 \pm 0,6\%$ ни ташкил этди, бу интакт гуруҳ қийматлардан $9,3\%$ юқори.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз ҳайвонлар интакт гуруҳи натижаларидан сезиларли даражада, тегишли қийматидан $17,3\%$ гача ошиши кузатилди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Тромбоцитларнинг спонтан агрегация даражаси фақат асосий интакт гуруҳ қийматларидан $17,3\%$ га ошди. 7-кунида нормал ҳарорат шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегацияси интакт гуруҳ қийматлардан $12,0\%$ юқори эканлиги кузатилди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз ҳайвонларда интакт гуруҳи натижаларидан сезиларли даражада, тегишли қийматидан $22,7\%$ гача ошиши кузатилди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертиреозли ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг бир хиллигини кўрсатади.

Тажрибавий гипертиреознинг ривожланиши, юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида тромбоцитларнинг прокоагуляцион фаоллигининг янада аниқ ўсиши билан тавсифланди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертироид шароитларида қоннинг прокоагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар динамикаси маълум қизиқиш уйғотди.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари, атроф-муҳитнинг ҳар хил ҳароратида тажрибавий гипертиреозда гиперкоагуляцияни таъминлайдиган баъзи омиллар шуни кўрсатдики, оптимал ҳароратда ҳайвонлар қонининг коагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар қонда тромбоцитлар сонининг кўпайиши билан тавсифланди.

Тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегация даражаси иссиқ иқлим шароитида ривожланган гипертиреоз каламушларда 1-кунда асосий интакт гуруҳ қийматларидан 17,3% га 7-кунда эса 22,7% га ошганлиги кузатилди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитлар индуцирланган агрегациясининг динамикада ўзгариши

Нормал ҳароратда ривожланган тажрибавий гипертиреоз модели олинган каламушлар гуруҳларида 1-кунда АДФ ёрдамида индуцирланганда тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичи сезиларли даражада ошди, яъни интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли қийматидан (26,2%) юқори эди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Шундай қилиб, ушбу ҳайвонлар гуруҳида индуцирланган агрегация атроф-муҳит ҳарорати 17-24°C да келиб чиққан гипертиреозли ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан 53,9% га ошиб кетди .

Тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертиреозли ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг бир хиллигини кўрсатади.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертиреоз шароитларида қоннинг прокоагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар динамикаси маълум даражада ўзгарганлиги кузатилди.

Тадқиқотларимиз натижалари, нормал ҳароратдаги интакт гуруҳ ҳайвонлар қонининг коагуляцион хусусиятларининг ўзгариши тромбоцитларнинг агрегация қилиш қобилятининг 26,3% га тенг эканлиги билан тавсифланди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида ривожланган экспериментал гипертиреозда шуни таъкидлаш керакки, тромбоцитларни индуцирланган агрегацияси интакт гуруҳга нисбатан кескин ошди (94,3% га). 7-кунда эса нормал ҳароратда ривожланган тажрибавий гипертиреоз модели олинган каламушлар гуруҳларида интакт гуруҳдан 33,8% гача сезиларли даражада ошди. Маълумки, ўз вақтида ва томирлар орқали қон оқимини нормада бўлиши ҳаётий муҳим жараёнларнинг бузилишининг олдини олади [15; 42-45-б.]. Экспериментал гипертиреозда куйидаги жараёнлар билан бирга келади яъни қон оқимининг силжиш тезлигининг пасайиши ва динамик ёпишқоқликнинг ошиши ҳамда қоннинг реологик параметрларидаги ўзгаришлар қон оқимига қўлланиладиган босимнинг паст қийматлари зоналарида, айниқса қон томир ўзанининг алмашинув бўғини даражасида кўпроқ намоён бўлади [8; 36-б.].

Гипертиреозда тромбоцитлар сони ошиши қалқонсимон без гормонларининг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида қон яратилиш тизимининг фаоллашуви билан боғлиқ ҳолда кузатилиши мумкин.

Гипертиреозда тиреоид гормонлар суяк илиги фаолиятини кўзғатади, натижада мегакариоцитлар фаоллашиб, тромбоцитлар ҳосил бўлиши ортади. Бу ҳолат организмда моддалар алмашинуви жадаллашиши, симпатик-адренал тизим фаоллигининг ошиши ва қон айланишининг тезлашиши билан боғлиқ.

Шунингдек, гипертиреозда қонда қуюқлашишга мойиллик юзага келиши мумкин.

Тромбоцитлар сонининг ошиши қон ивиш тизимининг фаоллашишига олиб келиб, микроциркуляцияда ўзгаришлар келтириб чиқаради. Бу ҳолат айниқса касаллик оғир кечганда ёки даволанмаган ҳолларда яққол намоён бўлади.

Бироқ таъкидлаш жоизки, тромбоцитлар сонининг ошиши гипертиреозда доимий ва барча беморларда учрайдиган белги эмас.

Айрим ҳолатларда уларнинг сони меъёрда қолиши ёки ҳатто камайиши ҳам мумкин. Асосий касаллик тўғри даволанганда гормонал мувозанат тикланади ва тромбоцитлар сони одатда физиологик меъёрга қайтади. Гипертиреозда тромбоцитлар сонининг ошиши қон яратилиш жараёнларининг кучайиши ва қон ивиш тизими фаоллашуви билан боғлиқ бўлган функционал ўзгариш ҳисобланади.

Гипертиреоз билан оғриган беморларда қоннинг реологик хусусиятларининг ўзгариши сўнгги йилларда адабиётда қалқонсимон без патологияси бўлган беморларда гемостаз тизимидаги бузилиш масалалари фаол муҳокама қилинмоқда.

Гипертиреоз фонида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан ўлим даражаси ошди. Қалқонсимон без касалликларида қон томир ўлимининг механизмлари аниқ аниқланмаган.

Эҳтимол, бу ҳодисанинг сабаби гемокоагуляция бузилишидир. Қон ивиши ва қалқонсимон без касалликлари ўртасидаги боғлиқлик ўтган асрнинг бошларида маълум бўлган ҳамда гипертироидизм билан оғриган беморда мия веноз тромбози ҳолатини тасвирлаб ва бу касалликларни биринчи марта боғлиқлиги ҳақида фикрлар мавжуд ҳисобланади.

Биз адабиётларни таҳлил қилганимизда қалқонсимон без фаолияти бузилган беморларда гипотиреоз ривожланиши таъсирида қон ивиши тизимидаги ўзгаришлар мунозарали бўлиб, гипо ёки гиперкоагуляцион ҳолат

билан бирга келиши сабабли гемостазни ўрганиш зарурлигини аниқланди [33; 71-73-б.].

Юқори атроф-муҳит $42^{\circ}\text{C}\pm 1$ ҳарорати шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Шундай қилиб, ушбу ҳайвонлар гуруҳида индуцирланган агрегация атроф-муҳит ҳарорати $17-24^{\circ}\text{C}$ да келиб чиққан гипертиреозли ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан 63,1% га ошганлиги кузатилди.

Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Маълумки, ўз вақтида ва томирлар орқали қон оқимини нормада бўлиши ҳаётий муҳим жараёнларнинг бузилишининг олдини олади [15; 42-45-б.].

Экспериментал гипертироидизмда қуйидаги жараёнлар билан бирга келади яъни қон оқимининг силжиш тезлигининг пасайиши ва динамик ёпишқоқликнинг ошиши ҳамда қоннинг реологик параметрларидаги ўзгаришлар қон оқимида қўлланиладиган босимнинг паст қийматлари зоналарида, айниқса қон томир ўзанининг алмашинув бўғини даражасида кўпроқ намоён бўлади [8; 36-б.]. Тажрибаларда бу безларни олиб ташлаш ҳайвонларнинг юқори ва паст ҳароратларга чидамлилигини пасайтиради.

Паст атроф-муҳит ҳароратида тана ҳароратини ўз-ўзини бошқариш жараёнларида асосан гипофиз безининг соматотроп ва қалқонсимон безининг стимулятор гормонлари, қалқонсимон гормонлар ва адреналин иштирок этади ҳамда улар тўқималарда, хусусан мушакларда оксидланиш жараёнларини кучайтиради, иссиқлик ишлаб чиқаришни оширади, тери томирларини торайтиради, шу билан бирга иссиқлик узатилишини камайтиради. Адабиётлардаги маълумотларга кўра атроф - муҳит ҳароратининг кўтарилиши шароитида ўз-ўзини бошқариш жараёнларида гипофиз безидан қалқонсимон безининг фаолиятини бошқарувчи ТТГ гормонининг секрецияси камаяди.

Бундай ҳолда, адреналин тери артериолаларининг б-адренергик рецепторлари билан ўзаро таъсирланиб, уларнинг кенгайишига ёрдам беради ва шу билан иссиқлик узатиш жараёнларида иштирок этади.

Баъзи адабиётлардаги маълумотларга кўра иссиқ иқлим шароитида организмнинг қалқонсимон бези фаолияти ташқи муҳит ҳароратига мослашишга қаратилган ўзгаришларга учрайди.

Қалқонсимон без тироксин (Т4) ва трийодтиронин (Т3) гормонларини ишлаб чиқариб, организмда моддалар алмашинуви ва иссиқлик ҳосил бўлишини бошқаради.

Атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган шароитда эса организмда ортиқча иссиқ ишлаб чиқарилишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Иссиқ иқлим таъсирида қалқонсимон безнинг функционал фаолияти нисбатан пасаяди.

Қон таркибида тиреоид гормонлар миқдори бироз камайиб, асосий алмашинув даражаси секинлашади.

Бу ҳолат организмда энергия сарфини камайтириш ва қўшимча иссиқлик ҳосил бўлишини чеклашга хизмат қилади.

Шу орқали тана ҳароратини барқарор сақлаш таъминланади.

Шунингдек, иссиқ иқлимда гипоталамус–гипофиз–қалқонсимон без тизими ўртасидаги бошқарув механизмлари ўзгаради.

Тиреотроп гормон (ТТГ) секрецияси камайиши натижасида қалқонсимон без фаолияти сусаяди.

Бу физиологик адаптация бўлиб, соғлом одамларда касаллик ҳолати ҳисобланмайди.

Умуман олганда, иссиқ иқлим шароитида қалқонсимон без фаолиятининг пасайиши организмнинг ташқи муҳитга мослашиш реакцияси бўлиб, иссиқлик алмашинувини оптимал даражада сақлашга ёрдам беради. Одамларда ва приматларда серотонин совуқда терморегуляциянинг марказий механизмларини тартибга солувчи доминант воситачидир. Катеколаминлар, хусусан, норепинефрин иссиқлик ўтказувчанлигини оширади, серотонин эса

танани совутганда иссиқлик ишлаб чиқаришни оширади. Микроб таъсири остида мия эндоген пироген - интерлейкин ишлаб чиқаради [32; 158-б., 40; 149-154-б.].

Гипертиреоз билан оғриган беморларда қоннинг реологик хусусиятларининг ўзгариши сўнгги йилларда адабиётда қалқонсимон без патологияси бўлган беморларда гемостаз тизимидаги бузилиш масалалари фаол муҳокама қилинмоқда.

Гипертиреоз фонида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан ўлим даражаси ошди. Қалқонсимон без касалликларида қон томир ўлимининг механизмлари аниқ аниқланмаган.

Эҳтимол, бу ҳодисанинг сабаби гемокоагуляция бузилишидир.

Қон ивиши ва қалқонсимон без касалликлари ўртасидаги боғлиқлик ўтган асрнинг бошларида маълум бўлган ҳамда гипертиреоз билан оғриган беморда мия венотромбози ҳолатини тасвирлаб ва бу касалликларни биринчи марта боғлиқлиги ҳақида фикрлар мавжуд ҳисобланади.

Биз адабиётларни таҳлил қилганимизда қалқонсимон без фаолияти бузилган беморларда гипотиреоз ривожланиши таъсирида қон ивиши тизимидаги ўзгаришлар мунозарали бўлиб, гипоёки гиперкоагуляцион ҳолат билан бирга келиши сабабли гемостазни ўрганиш зарурлигини аниқланди [33; 71-73-б.].

Гипотиреозда гемостазнинг бузилиши қуйидаги сабаблар билан боғлиқ деган тахминлар мавжуд яъни қалқонсимон бези гормонлар етишмовчилиги [21; 13-16-б.].

Қалқонсимон без ва гемостаз тизимининг орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида ҳайвонларда ўтказилган кўп сонли кузатувларларда келтирилган [5; 160-б.].

